



Айтишларича, олим бирор оламшумул кашфиёт яратса, уни халкка англашмоқ учун бу кашфиётни тафаккур юксакликларидан кундалик турмуш заминига олиб тушмоғи, мавхум ва мураккаб формулалар тилидан жўн, кўникилган тушунчалар, оддий тасаввурлар тилига кўчирмоғи лозим. Санъатда эса бунинг акси. Шоир ҳам оламшумул кашфиётлар килади — бетакрор рангларга, мафтункор жилоларга, сеҳрли маъноларга, дурдона хикматларга тўла гўзал дунё яратади. Бирок бу дунёни англамоқ ва англашмоқ учун жўнлаштириб, оддий маиший тилга кўчириб бўлмайди. Жўнлаштиришимиз биланок гўзаллик гойиб бўлади, асарнинг сеҳру жодуси йўқолади, хозиргина сизни ларзага солиб турган поэтик мисралар бетаъсир сўз тизмаларига айланади... Шоир яратган кашфиётни англамоқ учун одам, албатта, ўша кашфиёт юксаклигига кўтарилмоғи шарт. Одамнинг юраги шоир юраги билан бир маромда тепсагина, одамнинг юраги ҳам шоир юрагидаги нафосатга ташна бўлсагина, муаллиф юрагидек гўзалликка эшикларини ланг очиб кўйсагина инкишоф этган олий гўзалликни идрок этмоғи мумкин. Бу эса гоят мураккаб иш.

Албатта, ҳамма ҳам шоир кўтарилган юксакликларга кўтарилиш бахтига муяссар бўлавермайди. Ахир, «халк» деган тушунча тез-тез тилга олиниб турилса-да, ҳеч қачон ҳар жихатдан тенг, яхлит бир кучни англашмайди. Хамиша халк бор, оломон бор, авом бор, орифлар бор... Одатда, калби уйғоқ, ҳақиқатга ва гўзалликка ташна орифларгина шоир яратган нафосат оламини идрок қиладилар ва гофилларни унинг гўзалликларидан огоҳ этадилар. Шу тариқа шоирлар яратган гўзаллик халк мулкига айланади ва унинг маънавий дунёсининг юксалишига хизмат қилади. Афсуски, юкорида айтилганидек, бу жараён сирасира осон кечмайди — ўзининг англанилмаганидан зорланган, кадрсизлигидан шикоятлар қилган, замондошларининг меҳрсизлигидан изтироб чекиб ўтган шоирлар озмунчами?! Хатто, Пушкиндай шоир ҳам қатор шеърларида гўзаллик кўчасига яқин юролмайдиганларни «авом» («чернь») деб атаб, уларга нафратини изҳор қилган эди. Ўз вақтида Пушкинни «буюқ халк шоири» деб атаган «марксист» адабиётшунослар эса шоирнинг бундай «шаккоклигини», «халкка нисбатан мутақаббирлиги»ни «синфийлик» қолипларига сигдиrolмай роса хуноб бўлган эдилар. Холбуки, буни изохлаш қийин эмас эди — бунинг учун «гўзалликнинг илохий даргоҳларига кўтарилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди» деган ҳақиқатни эътироф этиш қифоя эди.

Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпон ҳам ўзига хос бетакрор шеърят оламини яратишга қодир бўлган ва яратган улуг шоирлар сирасидандир. У ижодини 1914 йилдан бошлади, бирок унинг парвози 20 йилларга тўғри келди. Айниқса, 1920—1927 йиллар мобайнида Чўлпон илхоми жўшқин булоқдай қайнабтошди, пўртанадай киргоқларга сигмай кўпириб жўш урди — у учта шеърини тўпламидан ташқари, кўплаб шеърлар, хикоялар, мақола ва очерклар яратди, ўнлаб драматик асарлар ёзиб, адабиётимиз хазинасини қатор барқамол таржималар билан ҳам бойитди. Ана шу асарлари уни фавқулодда юксак баҳолашга асос бўлди. Айниқса, хориждаги баъзи бир адабиётшунослар шоир ижодининг моҳиятини холислик билан тўғри белгилашга ҳаракат қилишди.

Улар Чўлпонни ҳароратли, аини пайтда нихратда ҳассос, калби нозик ва шу боисдан бўлса ажаб эмаски, кўркмас санъаткор эди деб баҳолашди. Уларнинг фикрича, Чўлпон

Ўзини халқдан айри холда, шеърий илхом булоғи бўлиб хизмат қилган замондошларининг хаёти, маънавий дунёсидан ташқарида деб тасаввур ҳам эта олмайди. Чўлпон лирикасининг бутун оҳанглари ана шу ҳолатдан келиб чиқади. Энди ана шу буюк шоирнинг тақдирига бир назар ташлайлик. Дунёдаги истаган адабиётнинг ифтихори бўлишга арзийдиган, ҳар қандай маданиятли жамиятда Худо ато этган буюк истеъдод эгаси тарзида қабул қилинадиган, «устоз», «муаллим» сифатида эъзозланиши мумкин бўлган Чўлпоннинг қисмати қандай бўлди? Маълумки, «Ўзини халқдан айри холда, замондошларининг хаёти, маънавий дунёсидан ташқарида деб тасаввур ҳам қилолмайдиган» бу шоир деярли етмиш йил давомида кораланиб келинди. Бу давр мобайнида шоир шаънига айтилмаган бўхтон қолмади; уни қоралаш, таҳқирлаш бобида қим ўзар мусобақалар авж олди. Юзлаб мақолаларда, китобларда, маърузаларда унга «буржуа шоири», «жадид», «мафқураси бузук», «босмачилар қуйчиси», «миллатчи», «аксилинкилобчи», «Октябрь инкилобини тушунмаган овсар», «ёшлар онгини захарловчи ёт унсур», «халқ душмани» ва яна алланима балолар деган тавқи лаънат ёпиштирилди. Бир йил эмас, ўн йил эмас, салқам етмиш йил давомида! Савол тугилади: наҳртки, шунча йил мобайнида ўзбек халқидай қўп сонли халқ ичидан Чўлпонни англай оладиган, унинг қинакам улуг шоир эканини идрок этган ва бу ҳақиқатни айтишдан қўчимайдиган биронта ҳам ориф одам топилмади? Наҳотки, бизнинг халқимиз ўз олдидан оққан сувнинг қадрига етмайдиган бу қадар ношукр халқ? Наҳотки, бизнинг одамларимиз гўзаллик қаршида шунчалар сўқир ва қар? Гоят қийин ва мураккаб савол. Негаки, совет замонасида биз халқ тўғрисида қўпинча умумий, тумтарок, баландпарвоз гаплар гапириб ўрганиб қолганмиз — халқ доно, халқ улуг, халқ бағри қенг, халқ яратувчи, халқ ижодқор ва қоказо... Аммо халқнинг тафакқури қечланган, маданий савияси қатокрок, халқ ўзининг асл фарзандларини унча эъзозламайдиган эканини айтиб бўлмасди ёки айтилмасди. Бунақа гаплар ҳақми, ноҳақми эканидан қатъи назар — халққа ҳурматсизлик, унинг шаънига тухмат, деб ҳисобланарди. Қолбуки, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Ҳабиб Абдулла... (яна қанчадан қанча умри қожиалар ичида қечган буюқлар номини эслаш мумкин) уларнинг хаёти, қожиаси халқнинг қўз ўнгида қечди-қу! Бирок халқ оғзига талқон солиб олгандек қурқ этмай суқут сақларди, оддий томошабин бўлиб турарди, турардигина эмас, қези қелганда, масаланинг моҳиятига етмай, билиббилмай, қапақлар қалиб, «миллатчиларга ўлим!» дея бўғилабўғила қайқириб қўярди. Ҳаха, қўзлари қазабдан қонга тўлиб, оғизларидан тупуқлар сақратиб, жазавага тушиб қайқирарди. Афсуски, шунда «Қай, биродарлар! Нима қилипсизлар? Булар, ақир, миллатнинг гули-қу! Булар миллат йўлида қон фидо қилувчи қаҳрамонлар-қу!» дея овозини қўтарган биронта азамат қикмади. Ҳа, бу — факт, бу қўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бирок, ана шу ақчик ҳақиқатга қарамай, «етмиш йил давомида халқимиз ичидан Чўлпонни англашга қурби етадиган одамлар муқлақо қикмади» деган гақни айтишга ҳам тил бормайди. Негаки, жуда қам бўлса-да, бундай азаматлар бор эди. Юқорида мақоласидан парқа қелтирганимиз Боймирза Қайит билан бир қаторда татарбошқирд маданиятининг йирик арқоби Зақий Валидий, ўзбек муқожирларининг раҳнамоларидан бири Вали Қайумқон, 20 йилларда Берлинга ўқишга бориб, ўша ёқларда қолиб қетган доктор Иброҳим Ёркин ва бошқалар Чўлпон ҳақида жуда юқори фикр билдиришган. Уни XX асрнинг энг истеъдодли санъатқорларидан бири деб аташган. Аммо шуниси борқи, уларнинг ҳаммаси ўз фикрларини қорижда туриб айтишган ва бизнинг социалистик Ватан билан қориж ўртасидаги гоят баланд, гоят юқсақ темир девор туқайли уларнинг фикрлари бизгача етиб қелган эмас. Қўш,

бизда-чи? Ўзимизда Чўлпон тўгрисида бирон-бир холис фикр, бирон-бир илик гап айтилганми? Ха, ўзимизда ҳам айтилган бундай фикрлар. Шундай замонлар бўлганки, Чўлпон асарлари танкидчилик томонидан илик кутиб олинган, уларга ижобий муносабат билдирилган.

Чўлпон хакида матбуотда биринчи бўлиб илик фикр билдирган олим Зариф Башарий бўлган эди. Бу одам асли Татаристондан бўлиб, 20 йилларда Ўзбекистонда ятаган, ўзбек тилида кўплаб маколалар ёзган, хикоялар эълон қилган, табдиллар қилган, ўша давр мунозараларида фаол катнашган, хатто замонавий ўзбек адабиётидан мажмуа тузиб, уни 1929 йилда Козонда бостириб ҳам чиқарган эди. Зариф Башарий 1923 йилнинг 4 май куни «Туркистон» газетасида Чўлпоннинг биринчи тўплами «Уйғонишга тақриз эълон қилади. У тақризнинг бошидаёқ «Чўлпон ўрток кейинги даврдаги ўзбек шоирларидан энг олдингиси ва чин маъноси билан шоир деб аталишга лойик бўлганидан унинг шеърларини чин адабиёт ва шеър кўзи билан кўриб, текшириш ва танкид қилишга ярайдир» дейди ва шундан сўнг «Чўлпон ўртокнинг чин юрак ва хис шоири», яъни хассос лириклигини айтиб, бу фикрни тасдиқловчи мисоллар келтиради. Мунаққид тахлил ёрдамида Чўлпон шеърларидаги тасвирийликни, туйгулар теранлигини, сўз қўллаш макоратининг юксаклигини кўрсатади.

Бошқа бир мунаққид Вадуд Махмуд ҳам «Булоқлар» тўпламига ёзган тақризида «бугунги ўзбек адабиётига янги бир тўн қийғизилди» дейди ва бу «тўнни қийғизган» одам Чўлпон эканини маълум қилиб, «Булоқлар» тўпламининг бадиий сифатлари хакида мулоҳаза юритади. Мунаққид «Амалнинг ўлими» деган шеърдан парча келтириб, унда «канча шеърият, канча океанг уйғок» эканини тасдиқлайди-да, шу билан бирга юртнинг дардини, кулларнинг инграган жонлар бўлишини, кўнглида йиғлаган малакларнинг шарқ оналари, жувонларидан иборат эканини канча очик, муассир ижод билан тасвир этадир» деган фикрни билдиради. Бу парчада Вадуд Махмуд жиндай баёнчиликка йўл кўяётган эса-да, у Чўлпон шеъриятининг мохиятига анча кириб борган дейиш мумкин.

1924 йилда «Зарафшон» газетасининг икки сонидида «Ўзбек ёш шоирлари», «Чўлпон» деган мақола босилди. Унинг муаллифи Абдурахмон Саъдий Чўлпон ижодини анча батафсил текширади ва шоирни жуда «киска бир таъриф билан» «у ёнадур ҳам ёндирадур» деб таърифлайди. Мақолада Чўлпоннинг «чин маъноси билан романтик бир юрак шоири (лирик)» экани ҳам далиллар билан очиб берилган.

Худди шунингдек, жуда ихчам шаклда бўлса ҳам Абдулла Кодирий Чўлпоннинг «Тонг сирлари» китобига ёзган шапалоқдеккина сўзбошисида матбуотда Чўлпон шаънига айтилган «Чўлпон йиғлоки шоирдир» деган таънадашномларни рад этади, шоир шеърларида кўз ёши кўп учраса-да, Чўлпон «улардан чечаклар ундирмокчи эканини» айтади.

Чўлпон хақидаги илк маколаларнинг яна бир муштарак хусусиятлари шундаки, уларнинг муаллифлари шоир шеърияти хақида батамом холис фикр юритишга интиладилар. Шунинг учун тақриزلарда Чўлпоннинг кучли томонлари билан бирга нуксонлари, заифликлари хақида ҳам фикр юритилади. Бу вазифалар ҳар хил, аммо икки мақолада бир нуксон таъкидланадики, кейинчалик айни шу «нуксон» Чўлпон шеъриятини бутунлай қрралаш учун асосий далиллардан бўлди.

Зариф Баширий ёзади: «Чўлпон ўрток «эл» ва «халк» сўзларини канча кўп ёзса ва сўзласа ҳам, ул халк шоири эмас. Халкка яқин бўлган зиёлилар шоирдир. Унинг услуб ва руҳида халкчиллик жуда оз».

Орадан бир йил ўтказиб мақола эълон қилган Абдурахмон Саъдий ёзади: «Чўлпон

оммахалк шоири эмас, ўқимишлилар, зиёлилар шоиридир. Уни оммажалпи халк тез англайди. Лекин шунинг баробаринда, у халк кайгуси билан (факат ҳеч бир синфга айирмасдан) ёзгувчи «халкчи» (народник) бир шоирдир. Чўлпонда асл кўзга каттиг берилиб тургон туб хусусият ҳам шундадир».

Бу ўринда шуни айтмоқ жоизки, бу гаплар ёзилган вақтда, яъни 1923 ва 1924 йилларда хали «халк шоири эмас, зиёлилар шоири» деган тасдиқ сиёсий айбдай қабул қилинмас эди. Шунинг учун бу «айблар» унча катта акс садо бермай ўтиб кетган У кейинчалик эса «халк шоири эмас, зиёлилар шоири» бўлиш шоирни гапсўзсиз ўлим чоҳининг лабига олиб борадиган дахшатли сиёсий айбга айланган. Бу тўғрида ўз ўрнида батафсил гаплашамиз. Хозир эса, Чўлпон хақидаги илк такризлар муносабати билан юритган мулохазаларимизга яқун ясайлик — бу такризлар канча холисона ёзилган бўлмасин, уларнинг ҳаммасидан ҳам янги чиққан ёш шоирга нисбатан меҳр ва эътибор ҳар канча барқ уриб турмасин, уларни биз Чўлпонни англаш йўлидаги бирон-бир жиддий ютуқлар деб атай олмаймиз. Улар Чўлпон юксаклигига олиб борувчи улкан зинанинг биринчи пиллапоялари эди, холос. Эҳтимол, муайян шароит бўлса, жамиятнинг манфаатдорлиги сезилиб турса, балки бу пиллапоялардан кўтарилиб бориб, Чўлпон яратган оламнинг баъзи бир жиддий кирраларини кашф этиш ҳам мумкин бўларди. Аммо бундай бўлмади, аксинча бўлди. Чўлпонни англаш йўлида кўйилган илк қадамлар кўйиб улгирилмай, шу он бўғилди. Чўлпонни англаш учун унинг юксаклигига кўтарилган олган шеърий шайдоси, юраги том маънода гўзаллик ва нафосат иштиёкида ёнган оташин ориф одам яна топилмади. Нега? Йўлимизда яна кўндаланг бўлаётган бу қонуний саволга жавобни кейинга қолдирайлик-да, Чўлпон теварагида ўша кезларда юз берган ажойиб воқеаларга юз ўгирайлик.

«Тонг сирлари»да Абдулла Қодирийнинг муқаддимаси эълон қилингандан кейин бир йил ўтар-ўтмас 1927 йилнинг 14 февраль куни «Кизил Ўзбекистон» газетасида Айн имзоси билан «Ўзбек шоирлари Чўлпон» деган мақола босилди. Мақола сўнгида илова тарзида босилган изоҳда таҳририят шу мақола билан Чўлпон хақида баҳс бошлаганини маълум қилган ва «барча кизиккан ўртоклар»нинг баҳсда иштирок этииб даъват этган эди. Бундай «ўртоклар» кўп зориктирмай, топила қолди — орадан кўп ўтмай, газета саҳифаларида 22 ёшли Ойбек «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?!» деган мақола билан чиқди. Ундан кейин эса Усмонхон баҳсга аралашди — у «Мунаққиднинг мунаққиди» деган мақоласида Ойбекнинг қарашларини кескин танқид остига олди. Ойбек мунозарада яна бир марта сўз олишга мажбур бўлади — у газетанинг 1927 йил 29 август сонидан «Мунаққиднинг мунаққиди» мақоласининг эгасига» деган мақола билан чиқиб, ўз қарашларини химоя қилди. Шу мақола билан баҳс тўхтади — унга яқин ўша йили октябрь ойининг 4—5 кунларида Самарқандда ўтган Ўзбекистон маданият ходимларининг қурултойида маъруза қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи қотиби Акмал Иқромов ясайди.

Мен қатъий аминманки, факат Чўлпон тақдиридагина эмас, балки бутун ёш ўзбек адабиётининг кейинги ривожини белгилашда, шунингдек, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликдаги йўналишларни маълум изларга солиб юборишда бу баҳснинг роли бениҳоя катта бўлади. Шунинг учун унинг мазмуни хақида, қандай масалалар атрофида баҳс кетгани тўғрисида, қандай ҳулосаларга келингани ва адабиётга қириб келаётган ёш ижодкорларга қандай йўл-йўриқлар берилгани борасида батафсилроқ мулоҳаза юритсак фойдадан холи бўлмас. Чунки ўзбек адабиётининг социалистик реализм адабиёти сифатида орттирган анча-мунча «фазилятлари»нинг томири худди шу

мунозарага бориб такалади.

Юкорида айтганимиздек, газета саҳифаларидаги мунозара Айннинг маколаси билан бошланди. «Айн» — адабиётшунос ва мунаққид Олим Шарафиддиновнинг таҳаллуси эди. Шуниси муҳимки, Олим Шарафиддинов адабиёт оламига шахсий манфаатларини ўйлаб кириб қолган тасодифий одам эмас эди. Кейинчалик у ўзининг кўпгина тадқиқотларида адабиёт тарихини чуқур билишини, адабиётнинг моҳияти ҳақида анча маънодор ва ибратли мулоҳазалар юрита олишини исбот қилган. Айниқса, унинг 1940 йилда нашр қилинган ва кейинчалик бир неча марта чоп этилган «Алишер Навоий» деган танқидий биографик очерки ўша давр адабиётида катта воқеа бўлди. Бу китоб ҳозир самарали ижод қилаётган кўпгина адабиётшунослар учун жуда яхши қўлланма бўлган эди. Шунинг учун 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси тузилганда, адабиётшунослар ичида биринчилардан бўлиб, Олим Шарафиддиновнинг муҳбир аъзоликка сайланиши ҳеч қимми ажаблантиргани йўқ. Бу одам кўнгилли равишда фронтга кетади ва жанг майдонларида ҳалок бўлади. Бу факт ҳам Олим Шарафиддиновнинг шахсиятига беихтиёр эҳтиром уйғотади. Лекин «Афлотун, сен менинг дўстимсан, бироқ ҳақиқат мен учун кадрлироқ» деган гап бор. Факт фактлигича қолади — уни турлича шарҳласа бўлади, бироқ ўзгартириб бўлмайди. Факт эса шундан иборатки, олис 1927 йилда Олим Шарафиддинов адабиётни ҳукмрон мафқуранинг хизматқорига айлантиришдек номуносиб ишни бошлаб берган эди.

Олим Шарафиддинов мазкур маколасида ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб марксча методология принципларига амал қилган, яъни у адабиётга тўлалигича синфийлик назарияси нуқтаи назаридан ёндашиб, унинг пролетар идеологиясининг қуроли бўлиши зарурлиги ҳақидаги қарашни олға суради: «Ёш шоирларимиз йўқсулларнинг синфий тилақларини, манфаатларини, мафқурасини жозибадор бир йўсинда тасвирлашга, жонлантиришга бошлади», деб ёзади Олим Шарафиддинов мамнуният билан.

Албатта, Олим Шарафиддинов мақолада иложи борича ўзини холис қилиб кўрсатишга уринади, шунинг учун у шоирнинг баъзи бир ижобий сифатларидан кўз юммайди. У Чўлпоннинг «энг кўп ёзувчи», «адабиётда айрим ўрин тутувчи шоир» эканини эътироф этади. Олим бу фактни таъқидлаш билан чекланмай, бу «айрим ўрин»нинг моҳиятини ҳам оқади: «эски классицизмнинг тор рамакисини бузиб, парчалаб, унинг (классицизмнинг) ифода йўсинини, оммага англашилмайдирган тилини соддалаштириб, оммага яқин қўйиш учун уринадир. Ҳам яна шул содда ифода йўсинда содда тилда амалий намуналар билан бизни таъмин этадир».

Чўлпоннинг тили ҳақида гап кетганда, айниқса, Олим Шарафиддинов ўзини тўхтатолмайди, у шоирни ёйилиб-ёйилиб мактайтиди, унга жуда юксак таърифлар беради: «Бу кунги ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тилидир. Бутун адабий ёшлик унинг тилини ўрнак танийдир. Унга таклид қилади».

Бироқ Олим Шарафиддинов синфийлик кўзойнагини тутиб олиши биланок ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетади — энди Чўлпоннинг шеърларидаги қуюшқондан жиндай чиқиб кетган жойлар жуда хавфли айбдай, совет ҳокимиятининг тагига сув қуядиган гуноҳдай кўрина бошлайди.

«Синфийлик» принципи тадқиқотчидан бир саволга аниқ жавоб беришни талаб қилади — ҳўш, бу шоир ёхуд бу адиб қайси синфнинг вакили? Унинг асарлари қайси синф манфаатларига хизмат қилади? Унинг ижодида қайси синфнинг қарашлари ўз ифодасини топган. Совет адабиётшунослари етмиш йил мобайнида ҳар бир ёзувчи,

наинки, ёзувчи, балки хар бир асар тўғрисида мушоҳада юритганда ана шу саволларга жавоб беришга уриниб, адабиётни жуда хароб килиб юборишди. Негаки, анчаинки жўндай кўринган бу саволларга жавоб бериш гоят кийин эди. Негаки, ёзувчи ёки муайян асарини соқит килиб, умуман олиб гапирганда адабиётнинг синфийлиги хақидаги гап тўғридай туюларди. аммо орага конкрет шахс аралашиси биланок масалани тўғри хал килиш амри маҳол бўлиб қоларди. Дарҳақиқат, Пушкинни қайси синфнинг вакили деса бўлади? Дехқонлар синфинингми? Дворянлар вакилими? Ёхуд шахарда яшовчи хунарманд-қосиблар шоирими? Алишер Навоий-чи? У қимнинг вакили бўлади? Хукмрон эксплуататорлар манфаатини кўзлаганми? Ё бошқа бирон синф вакилими? Кўришиб турибдики, масалани бу тарзда кўядиган бўлсак, адабиётнинг моҳиятини бузувчи, шоирни масҳара қилишдан бошқага ярамайдиган хулосаларга келинади. Бирок, марксча принципнинг талаби қатъий. Хўш, бу шоир қайси синфнинг вакили? Талаб қатъий бўлгач, олим жавоб беришга мажбур — фактлар унга хизмат қилмаса, у фактларнинг қулогидан чўзиб, ўзига бўйсунушга мажбур қилади. Шунинг учун Олим Шарафиддинов «Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас, у миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир. Унинг мафқураси шуларнинг мафқурасидир. У шу мафқура йўлида уринадир, талпинадир. Уни қайнатган, илҳом берган нарсалар шулардир», деб ёзади.

Эътибор беринга, бу фикр Зариф Башир ва Абдурахмон Саъдий томонидан айтилган эди. Улар ҳам Чўлпон зиёлилар шоиридир, деб даъво қилишган эди. Олим Шарафиддинов уларнинг фикрига жиндай аниқлик қиритади, ҳолос, яъни у зиёлиларга «миллатчи, ватанпараст, бадбин» деган сифатларни такади. Қарабсизки, ана шу жиндай аниқлик билан «Чўлпон йўқсул халқ шоири эмас» деган жўнгина гап дахшатли айбномага айланади. Синфийлик принципи шунақа гаройиб фокуслар қилишга ва шу йўл билан томошабиннинг кўзини (ёхуд қитобхоннинг аклини) боғлашга имқон беради. Бу гапларни қўяйлик-да, масалага бошқа томондан ёндашайлик. Майли, фараз қилайлик — Чўлпон зиёлилар шоири. Аммо қим, қачон, қаерда исбот қилганки, зиёлилар шоири халқ шоири бўлаолмайди?

Мақоланинг давомидан аён бўладики, муаллиф Чўлпонни эрқни қўмсагани учун, юртини озод ва обод қўрмоқни истагани учун, баданларда қонли излар қолдирувчи қишанлардан нафратлагани учун, «қишан қийма, бўйин эгма!» деб хўрланган одамларни гурурга қақиргани учун зиёлилар шоири, деб атаяпти. Бирок савол тугилади — нахотки, эрқ туйғуси, озод яшаш истаги, бошда дўппи билан хар жойда мағрур юришни ишташ фақат ва фақат зиёлиларга хос бўлса? Нахотки, «йўқсул халқ» қоризм даврида ҳам, совет империяси даврида ҳам мустамлақа зулмини тўла қабул қилиб, эрққа лоқайд бўлиб яшаган бўлса? Аксинча, Чўлпон 20 йилларнинг биринчи ярмидаги шеърларида бутун юртнинг дардиаламини ёрқин ифодалагани учунгина бутун халқнинг муҳаббатини қозонмадимми? Унинг шеърларининг умрбоқийлигини таъминлаган биринчи омил худди шу эмасми?

Марксча принципнинг яна бир ажойиб «фазилати» шундаки, у хар қандай илмий тафаккурнинг қаминида ётадиган энг оддий мантқиқни ҳам тан олмаслиги мумқин. Олим Шарафиддинов ҳам худди шу йўлдан боради — у мақола давомида «Чўлпон халқ шоири эмас, зиёлилар шоири» деган бемаъни, тутуриқсиз даъвоғи нима қилиб бўлса-да, «исботлаш»га уринади. Бу аснода борган сари мантқиқ талабларидан узоклашиб бораётганини ўзи сезмай қолади. У ёзади: «Чўлпон хаёлпарастдир. Чунки миллатчилар, зиёлилар ва шу мафқурани қабул қилганлар учун хаёлдан ширин, хаёлдан лаззатли нарса йўқ».

Кизик, нега энди хаёлпараст факат «миллатчилар, зиёлилар» махрига тушар экан? Нега энди бошка тоифалар учун «хаёлдан ширин, хаёлдан лаззатли» нарсаларга берилиш имкони йўк? Кўриниб туриптики, «хаёлпарастлик» негадир иллат, айб сифатида қараляпти ва ундан Чўлпонни коралаш учун фойдаланиляпти. Буларнинг бари зўрмазўраки, сунъий равишда қилинади. Шоир хақида, асар тўғрисида мулоҳаза юритадиган мунаққид учун бир зарурий қонуният бор — у биринчи навбатда асар матнига таяниши керак, унинг учун бадиий асар матни ҳар нарсадан муқаддас, ҳар нарсадан мўътабар манба бўлмоғи керак. Аммо Олим Шарафиддиновнинг мақоласида марксча принципга сизиниш оқибатида кейинчалик совет адабиётшунослиги ва танқидчилигида жуда кенг илдиз отган бир ёмон иллатга дуч келамиз — бу асар матнига беписандлик билан қарашдир. Шоир шеърда бир гапни айтади, аммо мунаққид бу гапни англашга интилиш ўрнига, бу гапга асосланиш ва унга таяниш ўрнига, унга бутунлай эътибор бермайди-да, адабий фактларни ўзининг аввалдан белгилаб қўйилган мақсадига бўйсундиради. Масалан, Чўлпон жуда кўп шеърларида ўзининг «ер шоири» эканини, доимий излагай нарсаси, кўнглига яқин нарсаси «ер юлдузи — ер кизи» эканини, оддий бир барғни кўк малакларидан ортиқ кўришини айтган. Аммо мунаққид бу ҳаққа ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзининг «синфий» ҳулосаларини чиқараверади: «Кўкларда «жинниларча ховлиқиб» юришда баъзан чарчайди, факат ерга тушгиси келмайди, ундан лаззат олмайди. Мабодо, қайтиб ерга тушгудек бўлса, ўзини ҳақоратлар, сафолатлар, тубанликлар ичида ҳис қилади, кўнглининг қишанлар билан боғланганини кўради». Мунаққид эҳтимол ерда чиндан ҳам «ҳақоратлар, сафолатлар, тубанликлар кўпдир, шоир шундан изтироб чекса, унда нима айб?» деб ҳам ўйлаб кўрмайди, чунки, «синфийлик принципи» унинг учун жавобни тайёрлаб қўйган — шоир миллатчи, шунинг учун ердаги ҳақоратларни шеърга солади:

«Ерга тушган онларида жуда каттик миллатчи бўлиб кетади. Чунки бу тубанликка, сафолатга сабаб бўлувчи ажнабийларни кўради. Улар руслардан иборат. Русларни ҳеч қандай гуруҳга, қавмга ажратмайдилар. Бутун руслар унинг назарида мустамлакачилардир».

Бу ўринда ҳам мунаққид ноҳақ — Чўлпон ҳамиша русларни «гуруҳга, қавмга» ажратиб қараган, ҳеч қачон барча русларни мустамлакачи, деб ҳисоблаган эмас. Буни далиллайдиган фактлар анча-мунча. Бу ҳақда бахслашмай кўяқолайлик-да, бир масалада мунаққиднинг чиндан ҳам ҳақлигини эътироф этайлик Чўлпон кўп да эмас — бахс бўлгандан кейин бир-бири билан тортишади, бир-бирини танқид қилади. Гап шундаки, Ўсмонхон мақоласида ҳам кейинчалик совет танқидчилигида «гуллаб-яшнаб» кетган яна бир иллат кўзга ташланади. У «Чўлпон ва унинг «тузгон» «чўлпонизми» ёшлар учун гоятда зарарли» деган фикрни ўртага ташлар экан, «Чўлпонда саботлик, мустақил дунёга қараш йўк», «У у шохдан бу шохга кўниб юради», «Чўлпон ўзининг шоирлик вазифасини тўғри тушунмайди», «Чўлпон тараккиёпарвар расом эмас, таназзулпарвар хаёлпарастдир» деганга ўхшаш ҳақоратомуз ибораларни қўллайди. Холбуки, бу мақола ёзилган кезларда Чўлпон учта шеърлар тўплами эълон қилган, ўнлаб драматик асари сахналаштирилган, юзлаб мақолалари босилган, кўпгина асарларни таржима қилган, жамоатчилик томонидан истеъдодли ижодкор сифатида тан олинган эди. Нахотки, жиндай ўйлаб ўтирмай, жиндай андишага бормай, шундай одамни «тушунмайди», «дунёқараш йўк», «беқарор», «бетайин», «таназзулпарвар» деб ҳақоратлаш мумкин бўлса?! Ҳа, мумкин эди — марксча адабиётшунослик, совет танқидчилиги ана шу беандишалиги билан ҳам машҳур бўлди. Кейинчалик яратилган минглаб мақрлалар ва

китобларда танкидчи ва адабиётшунослар истеъдод эгаларига мутлако беписанд карайдилар, шоир ва адибларни менсимайдилар, улар билан прокурорча охангда гаплашадилар, ўзлари айтаётган гапни энг баркамол, бекамукўст хакикат деб хисоблайдилар. Хар холда, ижодкор хакида, асар тўгрисида мулохаза юритишдан кўра, тахлил ва тадқиқ қилишдан кўра, унинг хакида ҳукм чиқаришни афзал кўрган совет адабиётшунослари ва мунаққидларининг анчаси бутун дунёда энг бетакаллуф, энг беандиша, энг кўпол ва энг дагал одамлар бўлишса керак. Шундай кусурларига карамай 1927 йилдаги бахсдан муайян ижобий хулосалар чиқарса ҳам бўлар эди. Жумладан, Ойбекнинг мақолларида шундай ўринлар бор эдики, улар адабиётшуносликдаги ақидапарастлик ва вульгар социологизмга қарши курашда, ижодкорларни беҳуда қалтаклардан, ўринсиз зугумлардан асраб қолиш учун дурустгина замин бўлиши мумкин эди. Аммо бундай бўлмади. Афсуски, расмий доиралар Олим Шарафиддинов билан Усмонхон карашларини хомоя қилдилар. 1927 йилнинг 4 октябрида Самарқандда Ўзбекистон маданият ходимларининг (I курултойи бўлди. Унда маъруза қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи қотиби Акмал Икромов Чўлпон хақидаги мунозарага ҳам яқун ясаб, шундай дейди: «Бизда Айннинг Чўлпон ижоди ақидаги мақоласи бахрнисида қатор мунозаралар бўлиб ўтди. Айн Чўлпон ижодининг гоёвий тутуриқсизлигини тўғри таъқидлади. Бу тақризнинг адабиётшунослик жиҳатидан қандай қимматга эгаллиги хақида гапиришга журъат этмайман. Фақат шуни тақрор айтаманки, мафкура соҳасида шундай соғлом танкид бўлиши зарурлиги шакшубҳасиздир».

Шу тарзда «маданият ходимлари»нинг қатъисови билан Чўлпоннинг юзига қора тортилди. У йўқсул халқдан узок миллатчи зиёлилар шоири деб эълон қилинди, ижоди мафкуравий жиҳатдан зарарли деб топилди. Чўлпон устидан биринчи маънавий қатлиом шу тарзда содир бўлган эди. тақдирнинг қалати ўйинини қарангки, орадан роппароса ўн бир йил ўтгач, айни 4 октябрь қуни уни отиб ташлайдилар. 5 октябрь қуни эса ўлимга ҳукм қилдилар.

Умуман, социалистик жамиятдаги жорий тартиблар гоёта қалати эди, бирон адиб ёхуд шоир мафкуравий жиҳатдан ишончдан қолса, унинг бўйнига ташланган сиртмоқ то бўғилиб, жони узилгунча қисилиб қориларди. Бу ишда мафкурачиларга қаров маъмуриятчилар ёрдамга етиб қелишар ва хайрон қоладиган қаражада ҳам жиҳатлик билан қазолаш қараёнини охирига етказардилар.

1932 йилнинг 5 майдан 17 июлигача Ўзбекистон Олий судининг прокурори Шамси Бадриддиновнинг «жиноий» иши қўрилган. Табиийки, бу одам халқ душмани сифатида отувга ҳукм қилинган. Шу судда Қатанян деган одам айблов нутқи сўзлаган ва хар нима қилиб бўлса-да, Бадриддинов ишига қарши тўе беришга уринган. Шу мақсадда йўлида мафқураси «бузук» шоирларнинг номини айтмай бўлса-да, ишга аралаштиришга қарат қилган. Қатанян дейди: «Шу билан бир вақтда бунда 1927—29 йилларда қана шу йилда «қандайдир» шоирлар ўзларининг Қарғонага бағишланган қарғоний шеърларини ўқиб, декламация қилиб берадилар. Бу шеърларда қўзал Қарғона водийсида гуллар очилишдан тўхтагани, булбулнинг овози қесилгани, одамлар қазин бўлганликлари сўзланади. Бу қазинлик қиндан ҳам қонқомешчиклар қазонасини қарғонлаган қишиларнинг қалиларини, қишини, қочиб ишлашга қетган, уқусида қора реакциянинг қайтганини қўрган қишиларнинг қурагини тўлдиргон эди»¹.

¹ Қатанян. Бадриддинов судидаги айблов нутқидан. «Қизил Ўзбекистон». 1932 йил. 16 июн.

1927 йилдаги мунозара ва ундан кейинги воқеалар хақида бунчалик батафсил тўхтаётганимизнинг боиси бор, албатта. Гап шундаки, салкам етмиш йил аввал бўлиб ўтган ва хозир деярлик унутилиб кетган воқеалардан адабиётшунослик учунгина эмас, умуман, маънавий ҳаётимиз учун фавқулодда муҳим бир хулоса чиқариш мумкин. Эсингизда бўлса, мақоламизнинг бошида халқимиз ичидан Чўлпон яратган поэтик юксакликларга кўтарила оладиган орифлар чикмагани хақида мулоҳаза юритган эдик. Маълум бўладики, гап халқнинг маданиймаънавий савияси пастлигида, Чўлпон кашф этган олам гўзалликларини идрок этишга кодир одамларнинг йўқлигида эмас экан. Гап ҳукмрон мафқуранинг шиддатли йўл-йўригида, қолаверса, хокимият тепасидаги кучларнинг, биринчи навбатда, коммунистик партия арбобларининг санъатга, адабиётга душманлигида, ҳар бир фикрлайдиган ақлли одамдан, ҳар бир мустақил истеъдод эгасидан кўркишида экан. Фикрлайдиган одам янги хокимиятнинг, улар барпо этаётган янги тузумнинг чинакам янги башарасини дарров пайкаб олиши ва ҳаммага ошқор қилмоғи мумкинда. Шунинг учун уларнинг боридан йўғи яхши.

Эътибор берган бўлсангиз, 1927 йил бахсидаги мақолалар ҳам, Акмал Икромовнинг нутқи ҳам, Катанянинг таҳдидлари ҳам бир муштарак хусусиятга эга — улар «қизим, сенга айтаман, келиним сен эшит» кабилидаги гаплар. Албатта, улар биринчи навбатда Чўлпонга қаратилган, уни фош қилишга, шахдини қайтаришга, «ўзимиз катори» шоирга айлантиришга қаратилган. Айни чоғда, уларда Чўлпон бахонасида бошқа одамларга аталган ботиний мурожаат ҳам бор: Эй биродар, кўзингга қараб юр, қизган қизигимиздан чикма, буюрган ишни қил, буюрган гапни гапир, ҳаётинг кечаётган сассик ховузни зинҳор-базинҳор сассик дея кўрма. Акс холда, Чўлпоннинг қуни сенинг ҳам бошингга тушади. Бир зумда синфий душман бўлиб қолганингни ўзинг ҳам билмай қолсан.

Бундай таҳдидлар ҳаётда ҳар қадамда амалга ошиб турган бир шароитда кўрқув салтанати вужудга келади. Одамлар юрагида кўрқув туйғуси ҳукмрон бўладиган бўлса, ундай одамларнинг рухий ҳаёти қарахтланади, гўзалликка эҳтиёж ўтмаслашади. Хатто энг зўр орифлар ҳам холсизланиб, гўзаллик самовиятларига кўтарила олмай қоладилар. Даҳо санъаткорлар яратган гўзалликни англаш, унинг моҳиятини идрок эта билиш, сирларини кашф этиб, бу гўзалликни қалб мулкига айлантириш учун, биринчи навбатда, санъаткорга қассобдек, прокурордек, жаллоддек бўлиб эмас, унга муҳаббат ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлмоқ керак. Санъаткор инқишоф этган оламнинг қалити «Симсим, оч эшиқни!» деган афсонавий хитобда эмас, жамиятнинг санъаткорга эҳтиромида, хайрихоҳлигида, муҳаббатидадир! Бунинг учун эса жамият эркинлик салтанати яратмоғи лозим. Токи ҳар бир одам туйғуларини намоён этишда, фикрларини баён қилишда бунинг оқибатидан, таъқиб-таъйикларга учрашдан, жазога мустаҳик бўлишидан қўрқмасин!

* * *

«Адабиётшунослик ва танқиднинг манқуртга айланиши» деган кўп йиллик ва кўп пардалиқ фожианинг биринчи пардаси шундай бўлганди. Савол тугилади: нега энди бу

фожианинг биринчи пардаси келиб-келиб 1927 йилда, яъни большевиклар хокимият бошига келгандан кейин 10 йил ўтгач ўйналинди? Мен «Чўлпон» деган рисоламда бу саволга жавоб беришга уриниб кўргандим. Рисолада бу тўғрида шундай дейилган: «1925 йилнинг 18 июнида РКП(б) Марказий Комитетининг «Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида» деган резолюцияси қабул қилинди. Унда амалда ўша кезларда турли-туман адабий гуруҳлар ва оқимлар мавжудлиги айтилган ва улар ўртасида пролетар адабиётининг гегемонлигини таъминлаш асосий мафкуравий вазифа қилиб қўйилганди. Тўғри, резолюцияда бу гегемонликка «эркин ижодий мусобақалар» орқали эришиш кераклиги ўқдирилади. Аммо қарор чиққандан кейин бир зумда «эркин ижодий мусобақа» ҳақидаги гаплар паккос унутилади-ю, зўравонлик билан, ёзувчиларни ур-қалтак қилиш билан, ҳақорату хўрлашлар билан «пролетар адабиётининг гегемонлиги» таъминлана бошланади. Инкилобнинг илк йилларида бир неча муддат мобайнида мавжуд бўлган ижод эркинлиги барҳам топа бошлайди. «Йўқсулларнинг ҳаётини, мафқурасини, бошидан ўтказган аччиқчучук ҳолларини сувратлантириш... шуни тараннум этиш» адабиётнинг бирданбир максоди деб тарғиб қилинди. Хуллас, шу тарзда адабиётни янги тузумнинг маддохига айлантириш учун, уни сиёсатнинг муте бир оксочи қилиш учун қураш бошланди». Уз рисоламдан узунгина парча келтирганим учун узр. Рисола чиққандан сўнг юқоридаги парчани ўқиган айрим ўртоқлар: «Ия, кизик-ку? Нахотки, мафкура соҳасидаги урйикитнинг илдизи факат 1925 йилга бориб такалса? Нахотки, большевиклар хокимияти 1917 йилдан то 1925 йилгача мафкура соҳасида, адабиёт соҳасида эркинликка йўл қўйиб қўйган бўлса?» дея таажжуб билдира бошладилар. Дарҳақиқат, 1927 йилда биринчи пардаси сахнага қўйилган фожианинг муқаддимаси 1925 йилга эмас, тўғридантўғри 1917 йилга бориб такалади. Большевиклар хокимият тепасига қелишлари биланок мафкура жиловларини қўлга олишга ҳаракат қилдилар. Улар сўз эркинлигини тан олган бўлсаларда, амалда ҳамма нарсани таъқиқлаш, ман этиш, тазйик остига олиш йўлидан бордилар. Лениннинг инкилобнинг илк йилларида ҳар хил муносабатлар билан сўзлаган нутқларини олинг. Уларда «улуг дохий» зўр бериб совет хокимиятининг каттиққўллигини, террор сиёсатини оқлайди — унингча кўпчилик номидан қилинган зўравонлик, меҳнатқаш халқ манфаати йўлида амалга оширилган террор ҳақиқий эркинлик намуналари бўлар эмиш. Аслида эса, совет хокимияти, айниқса, зиёлиларга нисбатан ашаддий душманлик сиёсатини олиб борди. Ўша кезларда миллионлаб зиёлилар камокка олинди, молмулки мусодара қилинди, бир қисми отилди, бир қисми хорижга бадарга қилинди. Большевиклар жамиятни зиёлиларга нафрат ва ишончсизлик руҳида тарбиялай бошладилар. Бу ҳол факат марказда, Россия ё Украинадагина содир бўлмай, жойларда, жумладан, Туркистонда ҳам кенг қўламда амалга оширилди. Большевиклар илк қадамлариданок маҳаллий зиёлиларни каттик таъқиб остига олдилар, уларнинг бемалол фаолият кўрсатишларига йўл қўймадилар. Бу ўринда атоқли адабиётшунос олим Абдурауф Фитратнинг 1928 йилда эълон қилинган «Ёпишмаган гажаклар» деган мақоласида тилга олган бир фактни эслайлик. Олим 1919 йилда «Чигатой гурунги» тўғрагининг илмий мажлислари қуролли қизил гвардиячиларнинг назорати остида ўтганини эслайди. Шўрлик зиёлилар — пешонасига милтик тираб турган ҳолда қандай гурунглашдилар экан? Большевиклар маҳаллий зиёлиларни чеклаш ва таъқиб қилиш борасида энг қабих ва энг тубан усуллардан ҳам қайтишган эмас — улар дўстларинигина эмас, оила аъзоларини ҳам бир-бирига душманга айлантириб, бир-бирига айғокчилик қилишга мажбур этганлар. Инкилоб йилларида йирик сиёсий арбоб ва жамоатчи сифатида танилган атоқли олим

Закий Валидий хотираларида жуда характерли бир воқеани хикоя қилади. 1920 йилда у бир неча муддат Бухорода исгиқомат қилган, лекин бухоролик зиёлилар билан эркин мулоқотда бўлишга чўчиган, негаки, шўроларнинг маъмурий идоралари таъқиб остидаги зиёлининг хузурига қеладиган ҳар қандай одамдан айғокчи ёки чакимчи сифатида фойдаланишга уринган. Адабиёт ва санъат масаласига қелсак, бу соҳада ҳам шўро ҳуқумати 20 йиллардаёқ «қаттиқ цензура» ўрнатиб улгурган эди — бу борада Олим Шарафиддиновнинг маслаҳати қечикиб қолганди.

Шундай қилиб, шўролар ҳуқумати ўзининг илк қадамлариданок ижод эркинлигини қечқаш, зиёлилар фаолиятига тўсиқлар қўйиш, меҳнатқаш халқни уларга нисбатан ишонқсизлик руҳида тарбиялаш сиёсатиға амал қилдилар. Улар бу сиёсатни етарли даражада фаоллик билан амалға оширдилар. Лекин шундоқ бўлса-да, қонқрет шоирлар ёҳуд адибларға нисбатан маънавий қатлиом 1925 йилдан кейин, РКП(б) Марқазий Қомитетининг резолюциясидан сўнг амалға оширила бошлади. Чўлпон шу қатлиомнинг биринчи қурбонларидан бўлди. Чўлпонни қоралаган «маданият ходимлари» эҳтимол, ўша қезларда партия манфаатиға, халқ манфаатиға хизмат қиляпмиз деб ўйлагандир, лекин аслида улар мафқура жаҳқасида, адабиёт ва санъат соҳасида Сталин истибдодининг қарор топишиға хизмат қилишган эди. Улар Чўлпонни қоралаб чапак қалганларида аслида, ижод эркинлигини қўмиб, унинг гўри устида мотам маршини қалишганди. Шу тарзда энди қанот ёзиб қелаётган янги навқирон ўзбек адабиётининг қанотлари қайрилди ва у 60 йиллик муддатға парвоз имқонидан маҳрум этилди.

Орадан қўп ўтмай мафқура соҳасидаги большевиклар сиёсати «янги самаралар» бера бошлади. Бу аснода шу сиёсатни амалға оширишнинг асосий воситаси бўлган марқсча адабиётшунослик ва танқидчиликнинг яна бир ҳислати намоён бўлди — адабиётшунослик ва танқидчилик харбий санъатнинг анча-мунча усулларини ўзлаштириб олиб, ўз фаолиятида қўллаи бошлади: темирни қизигида босишға уринди, биринчи зарбадан кейин доқдираб қолган, саросимаға тушган «душман»ларини ўзига қелишиға йўл қўймаи, узил-қесил тормор қилишға харакат қилди ва бунинг учун бутун мафқура фронти бўйлаб, ялпи ҳужумни қучайтирди. Бунинг оқибатида биргина Чўлпон эмас, қўзға қўринган ўзбек адибларининг ҳаммаси том маънода қакшатқич зарбаға учрадилар. 1929 йилда Сотти Хусайн «Ўтқан қунлар» ва ўтқан қунлар» деган узундан-узок мақола ёзиб, аллақачон халқ ўртасида жуда қатта обрў орттирган Абдулла Қодирийни дунёқараши қекланган, мафқураси бузук, ўз йўлини тополмаган, майда буржуа таъсириға берилган миллатчи, худбин, йўқсулларға ёт бир одамға қикарди. Абдурауф Фитрат муттасил равишда танқиднинг тиги-паррониға дучор қилинди. Кейин Боту қораланди ва хатто қамокқа олинди. Ўша қезларда энди адабиётға қириб қелаётган Абдулла Қаххор ва Миртемирлар ҳам қамок жақосидан бенасиб қолмадилар. Адабиёт қаддини ростлаб олмаслиги қерак эди. У доимо ҳуқмрон мафқура қаршисида таъзим қилиб туриши, унинг истаган хоҳишини бақо қелтиришға тайёр турмоғи лозим эди. Бунға эришмоқ учун эса қатлиом гулқани ўчиб қолмаслиги, доим гуриллаб ёниб турмоғи, унга муттасил ўтин қалаб туриш талаб қилинарди. Бизнинг 30 йиллардаги олимларимиз ва танқидчиларимизнинг анча-мунчаси бу қора ишни мамнуният билан ва хатто ифтихор билан ўринлатиб бақаришди.

1927 йилги қурултойда қоралангандан сўнг 30 ёшлиқ Чўлпон ҳаётининг фожиаларға, драмаларға тўла қора қунлари бошланди. Булар оз эмас, қўп эмас, ўн йил давом этди. Ўн йил мислсиз рухий изтироблар шоир жисмини қемирди, асабларини қакшатди. Унинг асарларини босмай қўйишди, номлари қора рўйхатларға тушди, хатто ёру дўстлари

кўришиб колганда кўчанинг нариги бетига ўтиб кетадиган бўлишди. На совет ёзувчиси деб тан олинган, на буржуа ёзувчиси деб узил-кесил кораланган Чўлпон аросатда колди. Аммо бу йиллар мобайнида Чўлпонни кораловчи маколалар босилишдан тўхтагани йўк. Албатта, кудратли истеъдод эгаси бўлган Чўлпон 1927 йилдан кейин ҳам асар ёзишдан тўхтагани йўк, бироқ у кайси жанрда қандай асар ёзмасин, уларнинг ҳаммаси беистисно «гоявий зарарли, миллатчилик рухидаги асар» сифатида бахолана бошлади, ҳатто унинг таржималаридан ҳам миллатчилик унсурларини кўплаб топа бошладилар. Маколаларда «чўлпончилик» деган атама борган сари тез-тез учрай бошлади. Замон эса ҳамон огирлашиб бормокда эди. Кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати икки-уч йил ичида бутун кишлоқни абгор қилди — бу жараёнда миллионлаб асл дехконларнинг ёстиги қуриши билан бирга, умуман, кишлоқ ишлаб чиқариши том маънода дабдала қилинди. Натижада, бутун мамлакатда дахшатли очлик бошланди. Бу эса умумхалқ норозилигини тугдирди. Бундай шароитда халқнинг қаҳргазабини бошқа томонга буриб юбориш керак эди. Яна эски синалган йўл қўл келди — ҳамма муваффақиятсизликлар «никобланган синфий душманлар» зиммасига, зимдан иш кўраётган аксилинкилобий қучлар устига қўйилди. Бу душманлар эса, албатта, зиёлилар эдилар. Шу тарзда «социализм ривожланган сари синфий қураш қучайиб боради» деган машъум назария вужудга келди. Бу шунчаки оддий назария эмас, йирткич, қонхўр назария эди. У амалга кирса, унинг «тасдиғи» учун миллионлаб янги қурбонлар зарур бўлар эди. Шундай бўлиб қикди ҳам, 30 йиллардан бошлаб бутун мамлакатда янги катагонлар тўлкини қўтарилди. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно қолгани йўк. Бунинг энг фожиали намуналари сифатида Ўзбекистонда 30 йилларнинг бошида Маннон Рамзий, Боту ва Ўзбекистон Олий Судининг раиси Саъдулла Қосимов устидан бўлиб ўтган суд жараёнини айтиш мумкин. Суд мажлислари атайин халқни қўрқувга солишга, айниқса, биринчи навбатда, шаккок зиёлиларни тийиб қўйишга қаратилган эди. Табиийки, бундай шароитда Чўлпон бошидаги булутлар жуда қуюқлашиб қолади — уни сўқиб-қаргашлар, «миллатчи»дан олиб, «миллатчи»га, «синфий душман»га солишлар жамоатчилик фикрини тайёрлаб бориб, уни қамокка олиш учун замин яратиши керак эди. Шунда Чўлпон Файзулла Хўжаевнинг маслаҳати билан Тошкентни тарқ этади ва Москвага қўчиб бориб, ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитета аппаратида таржимон бўлиб ишлайди. Эҳтимол, шу факт унинг қамокка олинишини бир неча йил кечиктирган бўлиши мумкин. Аммо, Чўлпоннинг қамалиши орқага сурилган бўлса-да, унинг теварагидаги «жинлар базми» тўхтамаган эди. Яна уни таҳқирловчи, қамситувчи, ёлгон-яшиқ ва бўхтонларга тўла маколалар оқими матбуотда давом этди.

Расмий доиралар Чўлпондан шу даража қўрққанларки, унинг ижодини жуда-жуда синчиклаб қузатиб борганлар. 30 йилларнинг бошларида Тошкентда ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси иш олиб борарди. Ўша кезларда унинг тепасида Зеленский деган одам турган. Баъзи маълумотларга қараганда Чўлпоннинг матбуотда босилган ва ҳатто босилмаган ҳар бир асари рус тилига таржима қилиниб, Зеленскийнинг қўлига етказилар экан. Шундай шароитда Чўлпон теварагидаги ҳақоратлар оқими жиндай сусайиб қолса, расмий доираларга яқин бирор одам йўл қўрсатувчи бирон мақола билан чиқар эди-да, бу ур-йикит ўйинини янгидан авж олдиришга фатво бўларди. Фикримнинг далили учун битта мисол кетираман. 1931 йилнинг 15 январь куни «Правда Востока» газетасида М.И.Шевурдиннинг «Ўзбек йўқсул адабиётининг илк катта асари» деган мақрласи эълон қилинади. Қизиги шундаки, ўзбек тилини билмайдиган, ўзбек адабиётидан йироқ турадиган бу одам ўзбеклардан қикқан

хакикий истеъдод эгаларини коралаб, ерга уриб, уларга истеъдодсиз адилларни карамакарши кўйишни, уларнинг хом-хатала, тутуриксиз асарларини кўкларга кўтаришни касб килиб олган эди. У 1927 йилда Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини ёмонотликка чиқарди. Энди эса Умаржон Исмоиловнинг «Пахта шумгиялари» деган ўта бўш асарини «Ўзбек йўқсул адабиётининг илк катта асари» деб кўкларга кўтарар экан, йўл-йўлакай Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийларни бир тепиб ўтишни ўзи учун ҳам қарз, ҳам фарз билади:

«Буржуй ёзувчилари Фитрат («Арслон»), Чўлпон («Ёркиной»), Қодирий («Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»), Элбек Мухаммаджонов («Турмуш уринишлари») ва бошқалар ўзбек адабиётининг ўта ўнг канотини эгаллаб келишаётир. Бу ерда Фитратнинг қатор асарларидаги туркпарастлик хақида, Чўлпон ижодидаги босмачилик қайфиятлари тўғрисида, Жулқунбой - Қодирийнинг савдо буржуазияси ва феодализмни мадх этгани хусусида, Мухаммаджоновнинг шовинизми борасида гапириб ўтиришнинг ўрни эмас». (Услугининг гажакдорлигига қаранг — айтадиганини айтиб бўлиб, «гапириб ўтиришнинг ўрни эмас» дейди-да, юввошгина бир чеккага чиқиб қараб тураверади). Матбуотда эълон қилинган бунақа гаплар, айниқса, Михаил Иванович Шевердиндек «мўътабар зот»нинг оғизларидан чиққани учун кўпгина ўзбек адабиётчилари томонидан дастуриламал ўрнида қабул қилинарди. Шунақа пўписалардан кейин Чўлпонга яқин одамлар ҳам бутунлай қарашларини ўзгартириб, ҳукмрон мафкура хизматиға бел боғлар эдилар. Юқорида Абдурахмон Саъдийнинг 1924 йилда Чўлпонга, умуман, илик муносабат билдириб мақола эълон қилганини айтгандик. Афсуски, домланинг эътиқоди унчалик мустаҳкам эмас эканми ёки бошқа бирон сабаб биланми, 30 йилларда энди Чўлпонни аямай дўппослай бошлади. Жумладан, «Хозирги пролетар адабиётида синфий қураш» деган мақолада ёки «Ўзбек буржуа адабиёти» деган дарслигида Абдурахмон Саъдий Чўлпонни муттасил «жадид, буржуа ёзувчиси, ашаддий миллатчи» деб таъқидлайди. Яна бир мисол. 30 йилларнинг бошида жуда қобилятли марксист олим сифатида шухрат қозонган ва ижтимоий фанлар ривожига анча катта ҳисса қўшган Отажон Хошим Чўлпонни жуда яхши кўрган, чин юракдан ҳурмат қилган ва ҳатто яқин қариндошуруғлариға Чўлпон шеърларидан ўқиб бериб турган ҳамда уларни ёд олишни тавсия қилган. Отажон Хошим Москвада ўқиб юрган кезларидаёқ Чўлпон билан яқиндан танишиб, дўстона муносабатлар ўрнатган. Бирок, мақолаларида эса у ҳам Чўлпонни қоралашға мажбур бўлган Хуллас, 30 йилларнинг биринчи ярмида зўр эҳтирос билан, жазаваға тушиб Чўлпонни қош этган мақолалар жуда кўпайиб кетган. Албатта, уларнинг ҳаммаси тўғрисида тўхталишнинг иложи йўқ. Шунинг учун бу ўринда ҳам бир-икки мисол билан чекланаман.

Чўлпонни «чуқур назарий асослар»да каттик қоралаганлардан бири Миёнбузрук Солихов бўлган. Кизиги шундаки, бу одам ўзбек адабиётшунослари ичида энг билимдонларидан бири бўлган. У ўнлаб китоблар ва мақолалар муаллифи — унинг ўзбек театри тарихиға оид монографияси хозирға қадар материалға бойлиги билан тадқиқотчилар эътиборини жалб қилиб келмоқда. У нафақат Туркистон мадрасаларида, балки Истамбул дорилфунунида таҳсил кўрган, Қобулда дипломатик вазифаларда ишлаган одам эди. Аммо афсуски шундай юксак маданиятли, пухта билимли одам ҳам Чўлпонға тош отишда фаол қатнашган. Афтидан у ҳам оёғи остидаги замин нураб бораётганини сезгану ҳукмрон мафкураға садокат кўрсатиб жон саклаб қолмоқчи бўлган. Шу мақсадда 1933 йилда «Ўзбек адабиётида миллатчилиқ кўринишлари» деган китоб эълон қилган, лекин бу садокати уни қатагон бўронидан саклаб қола олмаган.

Айтиш керакки, Миёнбузрукнинг бу китоби ҳам материалга бой, аммо у нима килиб бўлса-да, Чўлпон билан Фитратни миллатчига чиқаришни мақсад килиб олади ва бу йўлда адабий матнларни бузиб талкин қилишдан ҳам қочмайди. Масалан, у «Уйғониш» тўплами хақида ёзади:

«Бундаги баъзи шеърлар худди уришиб турган аскарни рухлантириш учун сўзланган нутқларни хотирлатади». Шундан кейин «Халк» шеъридан парча келтирилади-да, унинг гоёвий зарарли асар экани хақида шундай дейилади:

«Табиий, бундаги халкни пролетар оммаси деб ўйлашга имкон йўқ. Бу халк миллий демократчиларнинг ўйлаганларича бой, рухоний ва босмачи, муштумзўрларни ўз ичига олган бир халқцир».

Кизик, мунаққид шоирдан нимани талаб қиляпти ўзи? Нахотки, шоир хар гал шеърида «халк» сўзини ишлатса, «шунинг ичида босмачи ва муштумзўр йўқ» дея изох бериши керак бўлса?!

«Тонг сирлари» хақида Миёнбузрук «бу тўплам ўз эгасининг лириклик ва санъат жихатидан анча ўсганини кўрсатадир» деб тан олади-да, шу ўриндаёқ «лекин»ни айтишни ҳам унутмайди: «...бу тўпламда шоирнинг мафкуравий жихатдан шўролар тарафига қараб ўсув кўрсатгани ҳеч кўринмайдир».

Миёнбузрук талқинида Чўлпоннинг шеърий китобларигина эмас, хатто драматик асарлари ҳам миллатчилик оғуси билан захарланган. Масалан, «Ёркиной» драмасида Чўлпон ошқора тарзда буржуа тузумини тарғиб қилади: бу пьеса «мамлакатда ўлиб, сўниб бормокда бўлган босмачилик харакатини идеаллаштиради. Бунинг натижасида миллий демократизм асосида бўлган маршрутали конституцияли, яъни мажлиси мабусанга эга бўлган бир хонлик бўла олишини кўрсатмокчи бўладир».

«Ёркиной» пьесасини холисона ўқиб чиққан хар қандай одам амин бўладики, пьесада Миёнбузрук айтаётган «босмачилик харакатини идеаллаштиришдан» асар ҳам йўқ, унда «мажлиси мабусанга эга бўлган бир хонлик» тўғрисида ҳам лом-мим дейилмайди. Нахотки, Миёнбузрук асар қахрамони Пўлатнинг адолат ва хақиқат талаб қилиб, зулмга қарши қурашмок учун саройни тарқ этиб, тоғу тошларга чиқиб кетганини «босмачилик»ни идеаллаштириш деб тушунган бўлса? Нахотки, Пўлатнинг «Тоғу тахт... салтанат... сизнинг юқлаб қўйган юқингиз... Уни мен хар қанча оғир бўлса ҳам қўтариб олиб боришим керак... Тоғу тахтнинг орқасида юрт бор, эл бор, халқ бор... Уни ўйлаш керак. Унинг гамини ейиш керак... Сиз менга тоғу тахтни бурунги хонлардай эмибсўриб ётиш учун олиб берган бўлсангиз, ўзингизга қайтариб берман. Менга ундай тоғу тахтнинг кераги йўқ! Сиз олиб берган тоғу тахт юртнинг дардига даво бўлмаса, йўқ...» деган сўзларини «конституцияли» монархизмни тарғиб қилиш» деб тушуниш мумкин? Ундай бўлса, маърифатли подшо, адолатли шох гоёларини қуйлаган ўнлаб мумтоз шоирларимиз, хатто буюқ Алишер Навоий ҳам «мажлиси мабусанга эга бўлган бир хонлик» тарғиботчилари бўлиб чиқмайдими? Шу мантиққа асосланиб, уларга ҳам «буржуа мафкурасининг тарғиботчилари» деган ёрликни ёпиштириш мумкин эмасми? Мунаққид матнни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, хаёлдаги нарсани ёзувчига ёпиштирса-да, кейин бундан ўзига керакли «мафкуравий» хулосаларни чиқариб олса бу, албатта, илм бўлмайди. Бу йўл билан истаган шоирга истаган айбни қўйиш мумкин. Миёнбузрукнинг бундай хуружлари ўша пайтдаги бошқа мақолалардан кўпроқ хавфлироқ эди — чунки мақолаларнинг кўпчилиги енгил-елпи ёзилган, уларда далил ўрнига шаллаки одамлар қўллайдиган усул «дигонимдигон» қабилида иш тутиш устивор эди. Миёнбузрукнинг китоби эса хар холда китоб эди ва унда «илмиёнамо» далиллар

бордай туюларди. Бу эса жамоатчиликни чалгитиб, «Чўлпон чиндан ҳам аксилинкилобчи унсур бўлган эканда», деган тўхтамга олиб келиши мумкин эди.

Миёнбузрукнинг китоби муносабати билан яна бир муҳим гапни айтиш керак — 1927 йилдан бошлаб ўзбек танкидчилигида ҳам «марксча методология»ни қўллаш, «синфийлик принципи»га амал қилиш, социалистик реализм йўлларига ўта бошлаш тўғрисида вульгар социологизм иллати билан жуда кенг қўламда захарлангандир. Вульгар социологизм шу даражада хавфли касаллик эдики, у билан оғриган вужуднинг шифо топиб кетиши жуда амримахол эди. Адабиётшунослик ва танкидчиликда ҳам шу хол юз берди — биз бу иллатдан ҳозирга қадар ҳам буткул қутилганимиз йўқ — шунақа яшовчан нарса эканки, эшикдан қувласанг, тешикдан қиради, бир қур мажаклаб, йўқ қилиб ташласанг, иккинчи қур башарасини ўзгартириб, янгирок қиёфага қириб, яна ишшайиб тураверади. Хўш, қаердан пайдо бўлди бу иллат? Унинг моҳияти нимада? Вульгар социологизмнинг илдизи «адабиёт ижтимоий ҳодиса, ундаги ҳар бир ҳаракат, ҳар бир ўзгариш, ҳар бир сифат ижтимоий ҳаёт билан, биринчи навбатда, синфий қураш билан белгиланади» деган таълимотга бориб такалади. Бу ақидага қатъий амал қилган совет олимлари секинаста адабиётнинг санъат ҳодисаси эканини унутдилар, унинг бадиий табиатини мутлақо инобатга олмай қўйдилар. Натижада асар фақат мавзулар, гоёлар йиғиндиси тарзида қаралди, қахрамонлар ҳақида ҳам фақат уларнинг синфий мансублигига қараб фикр юрита бошладилар. Бу ахир пировардида адабиётни санъат сифатида тугатишга олиб келди, «талант, истеъдод» деган нарсага эҳтиёж қолмади, гениал санъаткор билан оддий назмбоз ўртасида ёки «ёзёз» қасалига ўчраган бирор рухий шикаста одам ўртасида ҳеч қандай фарқ қолмади. Адабиётшунос ҳам ўз навбатида осон йўлга ўтиб олди — энди у матнни таҳлил қилмайди, бадиий тафаккур қонуниятларини аниқламайди, балки бирда чечанлик билан, бирда нўноққина қилиб, асарнинг мазмунини айтиб қўя қолади. Унинг гоёларини ёки гоёвий проблематикасини аниқлаб, ўша асосда ўзининг мулоҳазаларини айта беради. Бундай «методология»га амал қилганда, бадиий асар матнини эътибордан соқит қилиб иш тутганда, ҳар қандай ёзувчини асоссиз равишда мактаб қўқларга қўтариш мумкин бўлганидек, ёмонотлик қилиб, «уриб» ерга қирғизиб юбориш ҳам мумкин.

Шундай қилиб, 30 йиллар собиқ СССР таркибига қирувчи бошқа миллий адабиётлар қаторида ўзбек адабиёти учун ҳам жуда оғир кечди. 20 йилларнинг иккинчи ярмида пролетар адабиёти гегемонлигини ўрнатиш учун бошланган ҳаракат 30 йилларда адабиёт адрларига социалистик реализм байроқларини тикиш учун ялпи ҳужумга айланди. Бошқача қилиб айтганда, Чўлпон ва у билан бирга яна Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир ва яна бошқа ўнлаб ижодкорлар шафқатсиз равишда мафкура тўпига тутилди. Адабиётшунослик ва танкидчилик қаби адабиётни ҳам манкуртга айлантириш жараёни давом этмоқда эди. Ҳукмрон мафкурага ҳамиша ҳест бериб турадиган қул адабиёт, ҳаётдаги ҳамма нарсани маъқуллаб борадиган маддох адабиёт керак эди. Бу мафкура, айниқса, ҳар нарсани синчиклаб тағига етишга уринадиган, ўринсиз ва илмоқли саволлар бериб, жонга тегадиган, муस्ताқил фикрли, истеъдодли ёзувчилардан безор эди. Шунинг учун айни шу йилларда «талант» буржуа олимлари ўйлаб чиқарган нарса» деган гаплар чиқди, «станокдан адабиётга» деган шиорлар ташланиб, илгор ишчилардан ёзувчилар ясаля бошланди. 30 йилларнинг бошларида ана шундай ясамя ёзувчиларнинг асарларини ўз ичига олган «Бизнинг доврुक» деган мажмуа чиқарилган эди. Унга юзга яқин муаллифнинг шеърлари, ҳикоя ва очерқлари қиритилган. Қизиги шундаки, оламга доврुक солиб адабиётга қириб келган шу юз

ёзувчидан лоакал биттаси кейинчалик адабиётда яшаб колмади. Шунга карамай, хукмрон мафкура йўқсуллардан чиккан кўлбола ёзувчиларни кўллабқувватлашда давом этди. Бу ишда унга манкуртликни мукамал эгаллаган, бичилган танкид ёрдам берди.

Адабиётдаги давомли маънавий ва жисмоний террор, биринчи навбатда ёзувчиларнинг, зиёлиларнинг иродасини синдиришга, уни эгиб олишга, ундаги инсоний гурурни тагтомири билан сугуриб ташлашга каратилган эди. Айтиш керакки, анча-мунча холларда хукмрон мафкура бу кора ниятига эришди ҳам. Биргина мисол: 30 йилларда матбуот саҳифаларида Анкабой Худойбахтов деган ном тез-тез учраб туради. Баҳмалдан чиккан бу йигит журналист бўлган. Кейин партия ходими ҳам бўлган ва ёзувчиларнинг ишларига ҳам ботбот араллашиб турган. 1930 йилда Боту камалиб, отишга хукм килингандан сўнг, Анкабой 1931 йилнинг 3 февраль куни «Кизил Ўзбекистон» газетасида «Йиртилган никоб» деган мақола эълон қилади-ю, Ботунинг «чала колган никобини» йиртади — уни йўқсулларнинг ёвуз душмани деб атайди. Шу билан у мафкуравий жихатдан соғломлигини намойиш этиб, хукмрон мафкурага содик фуқарочилик туйғуларини кўзкўз қилади. Аммо орадан роппароса бир йил ўтгач, 1932 йилнинг 4 февраль куни яна ўша «Кизил Ўзбекистон» газетасида Х.Бурлак билан Р.Чўрагулнинг «Зарарли икки китоб» деган икки мақоласи чиқади. Унда Анкабойнинг китобидаги сиёсий хатолар фош қилинади. Бирок масаланинг энг таажжубли томони шундаки, газетанинг айна шу сонида Анкабойнинг танкидга жавоби ҳам босилган. Дунё тарихи хали бунақа тезкорликни кўрмаган бўлса керак. «Бошкармага хат»да Анкабой танкидни «большевикларча» мардлик билан тан олади: «... биринчи китобим зарарли, уни катъиян кўлга олмаслик керак... биринчи китобим жуда катта зарарларни келтирганлигини большевикларча масъулиятимга олиб, биринчи китобимнинг фойдаланишдан тўхталишини талаб этаман». Баайни Гоголь асаригади унтер офицернинг ўз-ўзини калтаклаган хотини! Албатта, хар кандай одам килмишлари учун матбуот орқали узр сўраши — тавба-тазарру қилиши мумкин — бунинг хеч канака айби йўқ, лекин китобини «катъиян кўлга олмасликни» ва «фойдаланишдан тўхтатилишини талаб этмоги» учун одам хар кандай гурурдан махрум бўлмоги керак. Айтганча, бундай ялтоқланиб килинган тавба-тазаррулар ҳам фойда бергани йўқ — кейинчалик Анкабой камокка олиниб, бошка «халқ душманлари» каторида 1938 йил 4 октябрда отиб ташланди.

30 йиллардаги ижодий мухит ана шундай дахшатли эди. Аммо мухит хар канча дахшатли бўлмасин, айрим ёзувчилар унинг куткусига учиб, эътиқодларига хиёнат қилганлари, иймондан воз кечгандари йўқ. Улар орасида Чўлпон ҳам бор эди. Албатта, «вазият Чўлпонга сира ҳам таъсир қилгани йўқ» десак, унча тўғри бўлмайди. Чўлпоннинг айрим шеърларида замонасозлик майллари кўринади. Бунинг хайрон қоладиган жойи йўқ — замон унга бокмагандан кейин, у замонга боқишга мажбурда. Лекин Чўлпонда бундай асарлар кўп эмас. Умуман, энг таажжубли жойи шундаки, шароит хар канча огир бўлмасин, Чўлпон ижод қилишдан тўхтагани йўқ. 1937 йилда ёзувчилар уюшмасида ўтган бир йигинда сўзлаган нутқида Чўлпон қилган ишларини санаб беради: «Менинг Москвадан қайтганимга икки йил бўлди. Шу вақт мобайнида Горькийнинг «Она» романини, «Егор Буличев» пьесасини, Пушкиннинг «Дубровский» ва «Борис Годунов»ини, яна 25 та шеърини, Лохутийнинг «Европа сафари»ни таржима қилдим. Яна бошка майда ишлар ҳам бўлди. Булардан ташқари, 1935-1937 йиллар мобайнида «Кеча ва кундуз» романи, «Соз» деган шеърлар тўплами босилиб чиқди. «Жўр» деган шеърлар тўплами тайёрланиб, нашриётга топширилди».

Энди ўзингиз тасаввур қилинг — бутун мамлакат бўйлаб, биринчи навбатда,

зиёлиларнинг, ёзувчиларнинг шўрини куритаётган катагон бўрони кутириб турган, тузукрок ёзувчилар биринкетин ўз-ўзидан «гойиб» бўлаётган, матбуотда ок калтак — кора калтак кампанияси давом этаётган, на дурустрок ўйлаш, на ўтириб ёзишнинг имкони колган бўлсаю, шундай шароитда ҳам шунчалик иш килинган бўлса?! Бундай одамни нима деб бахолаш керак? Менимча, бу факат бир нарсадан далолат беради — Чўлпон нафакат темир иродали одам бўлган, унинг истеъдоди ҳам фавкулудда кудратга эга бўлган. Ер багридаги булок ҳеч қандай тўсикларни тан олмай, юзага ёриб чиккани каби, Чўлпоннинг истеъдоди ҳам теваракатрофдаги булутлар ҳар қанча қуюклашиб, дахшатли тус олмасин, зулматни ёриб чиқиб, Чўлпонни ижод қилишга мажбур этган. Бу Чўлпон шахсиятининг муҳим қиррасидир.

Адабиётшунослик ва танқидчилик ҳолис бўлса, чинакам илмий асосларга таянса, ҳукмрон мафқуранинг малайи эмас, ҳақиқатга хизмат қилишни муқаддас деб билган соҳа бўлса, Чўлпон асарларини таҳлил қилиш билан бирга, шахсиятидаги ана шу фавкулудда жихатларни ҳам ўрганган бўларди. Афсуски, у пайтдаги танқидчилик бунга кодир эмасди. Тўғри, танқидчилик Чўлпонни сирасира эътиборсиз қолдиргани йўқ, лекин эндиги эътибор аввалгиларидан янада дахшатлироқ эди.

30 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Чўлпонни қораловчи мақолалар оқими янада қучайди. Табиийки, уларда Чўлпонни англашга интилишдан асар ҳам йўқ эди. Аксинча, машъум 37 йил яқинлашгани сари бундай мақолалардан ҳар қандай андиша ва инсонийлик йўқолади. Мақолалар гўё муайян ташкилотнинг буюртмаси билан ёзилгандай бир-бирига жуда ўхшарди. Уларда фактлардан қўз юмилиб, шеърий парчалар ағдартўнтар қилиниб, бирорта далил-исбот келтирмаган ҳолда яна ўша эски айб - «Чўлпон - миллатчи» деган айб қайтақайта такрорланаверарди. Аҳвол шу даражага етдики, Чўлпоннинг эълон қилинмаган китоблари ҳақида ҳам такризлар босила бошлади. Шундай такризлардан бири Туйғуннинг қаламига мансуб бўлиб, Чўлпоннинг хибсга олиниши арафасида, яъни 1937 йил 22 май куни «Ёш ленинчи» газетасида босилган. Туйғун 20 йилларнинг охирида адабиётга қириб келган. 30 йиллар бошида 4-5 та шеърий китоблар эълон қилган, кейинчалик драмалар ҳам ёзиб қўрган ўртамиёна ижодқор эди. Аммо, қалам билан адабиётдан тузукрок ўрин эгаллай олмагач, ўзини содик фуқаро қилиб қўрсатиш йўли билан обрў орттирмокчи бўлди. Бу йўлда у қаламқаш дўстлари устидан ошқора чақувлар ёзишгача бориб етди, чунки юқоридаги мақолани мақола деб эмас, балки органлар қулогига айтилган чақув десак тўғрироқ бўлади. Бу такриз Чўлпоннинг наشريётга топширилган, лекин дунё юзини қўрмай қолиб кетган ва шу қўйи йўқолган «Жўр» деган шеърий тўплами ҳақида. Туйғун, афтидан, буни аввал ички такриз сифатида ёзгану, кейин ҳеч қанлай андишага бормай матбуотда эълон қилган. Мақоладаги таҳлил йўли жуда жўн — муаллиф бирон шеърий парчани қўчиради-да, ундан баъзи ибораларни қолиб қолиб, шулар асосида ўзича «чуқур» ҳулосалар чиқаради. Масалан, шоирнинг «Қузак» деган шеъридан қуйидаги парча олинган:

Мевалар шохлардан таппа-тап тушди,

Сўник чехра билан ерга уюшди.

Муздай тупроқлар шимтирашдилар,

Етимдай саргайиб тентирашдилар.

Сўнг бу парча хакца мулохаза юритилади: «Бу сатрлардаги «сўник чехра», «муздай тупроклар», «етимдай саргайиб тентирар» каби ифодаларда Чўлпоннинг ўша миллатчи буржуазия рухида ёзган шеърларидаги кайфият сингиб туради». Ана шундай мулохазалар асосида макола муаллифи Чўлпоннинг ханузгача «ўзининг миллатчи буржуазия идеяларига» содик колаётганини тасдиқлайди. Бу ўринда такризчининг «махорати»га тан бериш керак. «Большевиклар ололмайдиган бирон кўргон йўк» деганларидек Туйгун буржуа миллатчилигининг таъсирини кидириб тополмайдиган бирон шеър, бирон мисра йўк — у истаган маънодаги ибораларни ўзи истаган томонга буриб юбора олади. Масалан, у тўпламга кирган «Бу ўлканинг кўклами» деган шеърдан парча келтиради:

Бу ўлканинг кўклами жуда хам намгарчилик,
Куёш булутлар билан ўйнашади, шекиллик
Качон кўрсам яширинган ўйинкарок боладай,
Мени энтиктирмокчи ўйнашиб алдай-алдай.

Оддий бир кўклам манзараси. Аммо Туйгун шу оддий манзара тагидан кир кидириб топади:

«Мана, равшандирки, Чўлпон 1936 йилда хали эски куйларини чукурлаштиради. Хамон кўкламда кўкламни кўрмайди, ўзини булутлар коплаган холда кўради. «Куёш» унга бевафо. Качон караса, уни яширинган холда кўради, кўнгли зорикади, энтикиб колади...» Юкоридаги парчадан шунака «сиёсий» хулосалар чикармок учун юмшок килиб айтганда, одам ноинсоф бўлмоги керак. Шуниси эътиборга лойикки, Туйгун Чўлпонни «фош килиш»да жуда катта жонбозлик кўрсатган одамлардан бири — у биргина 37 йилнинг ўзида газета ва журналларда ўзбек ва рус тилларида Чўлпонга хамда бошка «халк душманлари»га карши бештадан ортик макола эълон килган. Шунинг учун ўша кезларда ўзбек ёзувчилари ичида энг сиёсий хушёри бўлган дейиш мумкин. У Чўлпонни жазавага тушиб душманга чикаргану, аммо дурустрок далил-исбот келтиришга ожизлик килиб колган. Бирок шуниси хам борки, у замонларда бировни «миллатчи» ёхуд «халк душмани» десанг, бунинг учун тузукрок далил-исбот келтириш талаб килинмас эди. Туйгуннинг маколаси эълон килингандан сўнг Чўлпон камокки олинди. Мен бу ўринда «Чўлпоннинг камалишига Туйгун ёлгиз сабаб бўлган» демокчи эмасман. Ўша кезларда Чўлпонга карши Туйгунникидан бошка анча-мунча маколалар эълон килинган. Ўйлайманки, бундай маколалар пайдо бўлмаган тақдирда хам маъмурий органлар Чўлпонни сог кўймаган бўларди — чунки, биринчидан, йигирма йилдан бери Чўлпон устидан йигиб келинган материаллар шоирни бир ёклик килишни такозо этарди. Иккинчидан, 37 йилга келганда катлиом машинасининг парраклари бутун мамлакат бўйлаб мисли кўрилмаган шиддат билан айлана бошлаган эди. Бирок шунга карамай, Туйгун ва уникага ўхшаш маколаларни мутлако беозор, катлиомга дахлсиз маколалар деб бўлмайди. Хеч шубха йўкки, бундай маколалар халкнинг онгига адиллар ва шоирлар

хакидаги тухмат ва бўхтонларни, ёлгоняшик гапларни сингдириб, катагон тегирмонига сув куйди. Сталин жаллодларининг ишини осонлаштирди.

Шундай килиб, 1937 йилнинг ёзида Чўлпон камокка олинди, бир йиллик дахшатли кийноқлардан кейин 1938 йилнинг 4 октябрь куни отиб ташланди.

Муаллифи ва режиссёри шўро ҳукумати ҳамда большевиклар партияси бўлган, ижрочилари маъмурий жазо органлари, маҳаллий адабиётшунос ва мунаққидлар бўлган кўп йиллик ва кўп пардалик дахшатли фожианинг иккинчи пардаси шундай кечди ва бу гал Чўлпонни жисмонан махв қилиш билан яқунланди.

* * *

Чўлпон отилди. Чўлпон билан бирга яна юзлаб, балки минглаб миллатнинг энг асл фарзандлари — адиблар, шоирлар, олимлар, давлат арбоблари, саркардалар, хўжалик ходимлари, ишнинг кўзини биладиган дехконлар отилди. Лекин бу билан ҳам қоронги кечаларнинг тонги отмади — халқ бошига тушган дахшатли фожа тугамади — хали унинг кейинги пардалари ўйналиши керак эди. Бу орада фашистлар мамлакатга бостириб кирди-ю, тарихдаги энг қонли, энг шафқатсиз, энг қиргинли уруш бошланди. Шу тўғрисида Сталин қиргинлари бироз сусайгандек бўлди, аниқроғи, сусайди, бошқачароқ тус олди. Нихоят, 1945 йилда уруш галабамиз билан яқунланди. 1945 йил баҳори халққа янги умидлар бахш этди — голиб халқ энди жиндай бўлса-да, тузукроқ яшашдан, лоқал бир парча бахтга муяссар бўлишдан умидвор эди. Галаба учун совет халқига таъзим қилган, унга миннатдорчилик билдирган генераллиссимус энди зулми бўшаштиради, одамларга енгиллик беради, яшаш энди чиндан ҳам масрур ва қувноқ бўлиб қолади! Кўпчилик шундай бўлишига астойдил ишонган эди. Одамзод хайрон қоладиган даражада галати махлук — унинг ландавурлигини ҳам, донолигини ҳам ажратиш бўлмайди. Одам ўзи истаган вақтда кўр ва қар бўлиб ола билади — у кўришни истамаган нарсасини кўрмайди, билишни истамаган нарсасини билишга уринмайди ҳам. Шундай бўлмаганда, у босиб ўтилган ўттиз йиллик тарихдан хулосалар чиқармасмиди? Чеккан мислсиз азобларидан, тортган жафоларидан, адоқсиз хўрликлардан сабоқ олмасмиди? Йўқ, ундай бўлмади? Бу гал ҳам «халқлар отаси»нинг уч-тўртта қаландарини нутқида, тумтароқ ваъдасига ўқиди кўйди ва белидаги қамарини янада таранг қилиб, енгини қилиб, «қорлоқ қелажак» сари шаҳдам қилиб қетди. Ҳа, ҳуқуқдор коммунистик мафкура жуда маққор ва жуда тақбиркор мафкура эди — у адабиёт ва санъатдан қўйиб, оммавий ахборот воситаларини ишга солиб, халқ онгини захарлаб қилган эди. Халқ «Правда» газетасининг бош мақоласига қараб фикрлайдиган бўлиб қолган ва шунинг учун уни қиллатиш жуда осон эди. Урушдан кейин ҳам шундай бўлди — халқ ўзининг «бахтиёр» ҳаёти учун «қўл дохий»га миннатдорчилик билдириб, қилдилар қилар экан, «қўл дохий» янги қатогонлар қўлини бошлаб қўрди. 1949-1950 йилларда Сталиннинг оғир гўрзиси биринчи навбатда яна ёзувчилар бошига тушди. Бу гал Шўҳрат, Шайхзода, Саид Аҳмад, Мирзақалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон ва яна бошқа кўпгина ўзбек адиблари ва шоирлари қамалди. Бундай шароитда, албатта, Чўлпонни англаш эмас, унинг номини тилга олиш ҳам мумкин эмас эди. Дарслиқларда ҳатто «Чўлпон -

миллатчи» деган иборалар ҳам йўқолиб, уларнинг ўрнига анча мавхум ва мужмал бир ибора — «бир гурух буржуа миллатчилари» деган ибора қўллана бошлади. 1953 йилнинг март ойида Сталин вафот этди. Ўша йили март ойи бошидан охиригача мотам ойи бўлди — бутун халқ — миллатидан, ёшидан, жинсидан катъи назар Сталин учун аза тутди. Хар корхонада, хар хонадонда, майдонларда, кўчаларда аза, йиги-сиги! Газеталарда кора рамкаларда дунёнинг хамма гўшаларидан келган таъзия телеграммалари... Ўшанда камдан-кам одам халқ бошига тушган бу мотамсаро кора кунлардан кейин кўп ўтмай ёруғ кунлар бошланишини кўз олдига келтирган бўлса керак. Партиянинг XX съездида Никита Хрушчев жуда катта жасорат билан Сталин ҳақдаги ҳақиқатни тўқиб солди, унинг шафқатсизлигини, мустабид бўлганини, миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритганини очик айтди. Ўшанда чиндан ҳам куёш чакнаб турган осмонда тўсатдан момакалдирок гумбурлагандек бўлганди. Бу гапдан кимлардир эсанкираб, довдираб колди — чунки улар неча йиллардан бери сизиниб келган идеалларидан махрум бўлгандилар. Кимлардир эса бу гапларни хушнудлик билан кутиб олишди. Зиёлилар, айникса, ёзувчиларнинг катта гуруҳи ҳаётга яна умидбахш нигоҳ билан қарай бошлади. Кўп йиллар мобайнида уларнинг кўксига биринчи марта илик шабада теккан эди. Бу илик нафас кетидан батамом янгича шароит, янгича ҳаёт, янгича ижод келиши керак эди. Кейинги уч-тўрт йил ичида чиндан ҳам адабиётда эркин руҳ билан яратилган турли асарлар пайдо бўла бошлади. Адиблар ва шоирлар, драматурглар ва публицистлар, хатто, адабиётшунослар ва танқидчилар ҳам борган сари ўткирроқ ва дадилроқ тарзда совет ҳуқуқронлиги йилларида тоғ-тоғ бўлиб йигилиб колган иллатларни фoш қила бошладилар. Лекин адабиёт бу масалаларда чуқурлашган сари бир қатор саволлар қўндаланг бўла бошлади: шу пайтгача макталиб келган социалистик жамиятда бу қадар қонунсизликларга йўл қўйилган экан, миллионлаб одамлар мутлақо гуноҳсиз бўла туриб, хибсга олинган, бадарга қилинган, отилган экан, биз қурган жамият чиндан ҳам «ёвузлик салтанати» эканда? Агар шундай бўлса, бунга ким айбдор? Сталинми? Сталин айбдор бўлса, унинг ёнидаги Сиёсий бюро қаерда эди? Жонажон партиямизнинг мияси ҳисобланган Марказий Комитет қаёққа қараб турганди: Гап фақат бир шахсдами? Ёки, умуман, социалистик тузумда шахсга сизинишни ўз-ўзидан тугдираверадиган ҳислат борми? Қўрқинсизки, қавлаган сари масала чуқурлашиб, энг нозик сирлар ҳам очилиб қоладиганга ўхшайди. Шундоқ бўлгач, дархол чора қўриш керак. Шундай қилиб, орадан кўп ўтмай, илик шабадаларнинг йўли тўсилди, жиндай янги ҳаво қириб турган тешиқлар беркитилди, чалачулпа берилган эркинликлар бекор қилинди, оёғи тағидаги замин қимирлаб колган мафкура бир силқиниб яна аввалги қудратини қасб этди, яна таъқиқлашлар, ман этишлар, қолипга солишлар, таъқиб остига олишлар бошланди. Яна гоёвий душманлар қидирила бошланди. Н.С.Хрушчев Сталиннинг «социализм ривожланган сари синфий қураш қучаяди» деган «назария»сини дабДаба билан танқид қилган эди. Энди «социалистик лагер билан капиталистик лагер тинчтотув яшаши мумкин, лекин улар ўртасидаги мафкуравий қураш бир лаҳза ҳам тўхтамайди, аксинча, қучайгандан қучая боради» деган «назария» чиқди. Бу — «бирова билан дўст бўлсанг, ёнингда ойболтанг бўлсин» деганга ўхшаш бир гап эди. Хуллас, раҳбарларнинг қўрган тадбирлари туфайли яна «эски ҳаммом, эски тослиғича» колди. Тўғри, бир марта бир лаҳза бўлса-да, эркин ҳаволардан нафас олган одамнинг яна қайтиб қафасга қириши қийин, аммо бутун мамлакат битта яхлит қафас бўлса, иложи қанча! Бу гапларнинг ҳаммаси, албатта, Чўлпоннинг тақдирига ҳам бевосита алоқадор — шундай шароитда Чўлпон фoжиасининг учинчи пардаси ўйналди.

Чўлпон отилгандан кейин ҳам хукмрон мафкура мухиблари унинг номидан ўтдан кўрккандек кўркишда давом этишди. Шунинг учун улар Чўлпоннинг номини адабиёт тарихидан бутунлай йўқ қилиб юбориш харакатига тушдилар. Кутубхоналарда унинг китоблари хибсга олинди — уларни темир эшикли махсус хоналарда саклашар, улардан фойдаланиш ман қилинган эди. Журналларда бир замонлар чоп этилган Чўлпон сувратларига қора сиёх чаплашди, китоблар ва мақолаларда унинг исмлари ўчирилди. Уни фақат «ватан хоини, миллатчи, жосус, халқ душмани» дебгина тилга олиш мумкин эди. Шунда ҳам унинг душманлигини далиллаш мақсадида шеърларидан парча келтирилса, бу «танқид никоби остида Чўлпон ижодини тарғиб қилиш» деб баҳоланиши мумкин эди. Табиийки, унинг китобларини ўқиш қатъиян ман қилинган эди. Аммо қуёш нурини ҳеч нарса билан тўсиб бўлмайди. Ҳақиқат йўлида айтилган оташин Сўз мангу яшайди. Бу Сўзнинг одамлар юрагига бориш йўлига ҳеч нарса гов бўлолмайди. Ўша шароитларда ҳам Чўлпон ва Абдулла Қодирий асарларини яшириб ўқиган одамлар бўлган. Шахсан мен «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз»ни уруш йилларида — мактабда ўқиб юрган кезларимда ўқиган эдим. Бир ўзим эмас, бутун синф ўқиган эдик. Ҳозир бу китобларни қаердан топганимиз эсимда йўқ. Шуниси эсимдаки, ҳар қайси китоб бир болага бекитикча фақат бир кечага бериларди — эрталабгача ўқиб тугатиб, қайтариб бериш керак эди. Шуниси қизиқки, ҳаммамиз шунга улгурардик — кечкурун ўқишга бошлагандан кейин туни билан аллақанча нашъали хисларни ва изтиробларни кечириб, тонг сахарлаб сўнгги саҳифани ёпардик. Биз, албатта, Қодирийнинг, Чўлпоннинг ҳам «миллатчи» эканини эшитгандик. Уларнинг «захарли гоёлари»га берилмаслик кераклигини ҳам билардик. Аммо мургак онгимиз билан бу «захарли гоёлар» нимада эканини англаёлмас эдик. Романларни ўқий бошлаш билан уларнинг сеҳрига маст бўлиб, муаллифларнинг «миллатчи»лигини унутиб қўярдик. Шу тарзда юракда уларнинг асарларидан олинган илик ва ёрқин таассуротлар билан, онгда эса «улар душман, ватан хоини» деган ақида билан 1956 йилгача яшадик. Ўша йилдан бошлаб отувлардан омон қолиб, сургуналарда, лагерларда умр кечираётган гуноҳсиз қурбонлар қайтиб кела бошлади. Ўзбек зиёлиларининг қурултойида ўша пайтдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи қотиби Нуриддин Акрамович Муҳиддинов бутун залнинг тик туриб қалган гулдирас қарсақлари остида улуг ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг оқланганини эълон қилди. Ўша кезларда залда Абдулла Қодирийни кўрган, эҳтимолки, у билан шахсан мулоқотда бўлган одамлар анча-мунча эди. Қўплар ўшанда ошқора йиглаган эди. Орадан бироз вақт ўтгач, Чўлпон ҳам оқланди. Ёзувчилар уюшмаси хайрон қоладиган даражада қаттиқлик билан бошқа қаттагон қилинганлар қатори Чўлпоннинг ҳам меросини ўрганувчи комиссия тузди. Комиссия раиси Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги биринчи қотиби Баҳром Раҳмонов, аъзолари эса Уйғун, Мирзақалон Исмоилий, Гулом Қаримов ва мен эдим. Албатта, мен «Чўлпон ижоди энди объектив ўрганилади, ҳолис баҳоланади, унинг гоёвий кемтиклари, миллатчилиги аниқланади-ю, ижодининг соғлом қисми халққа қайта тақдим этилади» деган ўйлар билан мерос комиссиясига қирганимдан хурсанд бўлдим. Лекин ахвол тез орада мен қутганчалик бўлавермади — комиссия негадир иш бошлашга ошиқмади. Кейин Баҳром Раҳмонов дунёдан ўтиб қолди-ю, иш яна орқага қўзилдикетди. Шундан кейин мен Ёзувчилар уюшмасига бир-икки мурожаат қилдим. Ўртоқлар менга ошиқмасликни маслаҳат беришди. Менку ошиқмай юраверишим ҳам мумкин эди, бироқ бир кун эмас, бир кун жамоатчилик мандан «қани, биродар, комиссия аъзоси бўлиб нима иш қилдингиз, деб сўраб қолади-ку! Нима деб жавоб бераман? Шу ўй билан ўзимча

Чўлпоннинг баъзи асарларини топиб ўргана бошладим.

Карасам, Чўлпон бинойидек шоир, хатто ўша кезларда керилиб юрган анча-мунча шоирлардан зўррок. Унинг асарлари ичида «миллатчилик» рухидагилар ҳам бор, албатта, лекин бугун ҳам (яъни, бугун 60 йилларнинг бошларида) ўқувчиларга ҳеч иккиланмай такдим қилса бўладиганлари кўп. Шу тўхтамга келгандан кейин мен Ёзувчилар уюшмасидаги йигинларда бу фикрни айта бошладим. Мен айтган асосий фикр бундай эди: «Чўлпон мураккаб шоир. Унинг 20 йиллардаги шеъриятида миллатчилик бор, гоёвий жихатдан бизга ёт асарлар учрайди. Лекин совет воқелиги ривожланган сари у Чўлпонга ҳам ижобий таъсир кўрсатган ва у 20 йилларнинг охирига келиб, совет позициясига ўтган. Уни совет шоири деб аташ мумкин. Шундай зўр шоирни, яхши адибни совет адабиёти доирасидан чиқариб ташлаш тўғри бўлмайди». Бугунги кунда бу фикрнинг нотўғрилиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бу анча чала ва анча думбул гап, мурсаи мадорага бориб айтилган гап. Хали унда ҳукмрон мафкура томонидан онгимизга қўйилган захарнинг қўланса хиди мана ман деб сезилиб турибди. Лекин буни карангки, хатто шундок юмшок фикр ҳам баъзи бир ўртоқларни ва, айниқса, мафкура бошлиқларимизни газабга келтирди. Кейин билсам, улар бир томондан, «ўзбек совет адабиётининг асосчиси, буюк классигимиз Хамза Ҳакимзоданинг» обрўйига путур етказмаслик учун, иккинчи томондан эса, 37 йилдаги кингир ишларни кавлаштириб, Чўлпон фожиасининг асл сабабларини ошқора қилиб қўймаслик учун Чўлпонни тирилтириб, сафга қайтаришга тиштирноқлари билан қарши эканлар. Раҳбарларимиз менга тушунтиришди: «Сиз, биродар, кўп ховликаверманг. Тўғри, биз Чўлпонни оклаганмиз, лекин уни граждандан сифатида оклаганмиз. Чўлпонни шоир сифатида оклаган эмасмиз ва окламаймиз ҳам».

Ўшанда баъзи бир рутбалик ўртоқлар шундай катта кетишдики, хатто кўкрақларига уриб, «Чўлпонни фақат мени ўлдириб оқлайсан!» деб ўшқирди. Мен мафкура бошлиқларимизнинг изоҳига сира тушунолмадим. Очигини айтсам, ҳозиргача ҳам тушуна олганим йўқ. Ахир, шоирлиги билан граждандлигини қандай қилиб ажратиш бўлади? Улар ўртасидаги чегара қаердан ўтади? Белдан ўтармикан? Унда қайси қисми шоиру, қайси қисми гражданд? Ахир, ҳар қайси шоирнинг граждандлиги шеърида намоён бўлади-ку?! Ва, аксинча, шоирлиги граждандлигида ифодалангани. Хуллас, менинг бу саволларимга ҳеч ким тузукрок жавоб бергани йўқ. Шунинг учун мен ҳам фикримдан қайтганим йўқ. Билъакс, бу қарашларимни 1967 йилда эълон қилинган «Йиллар ва йўллар» деган мақолада анча батафсил баён қилдим. Иш шу билан тугадики, мен совет адабиётининг асосига, гоёвийлигига, партиявийлигига болта қўтараётган ишончсиз бир одам деган таъриф олдим. «Чўлпоннинг тарғиботчиси», бинобарин, миллатчиликка майли бор одам сифатида қора рўйхатларга тирқалдим.

Менга яна бир бор «гоёвий» зарба 1969 йилда берилди. Бу «Тирик сатрлар» китоби атрофидаги воқеалар эди. Мен бу воқеалар ҳақида «Тирик сатрлар»нинг қийин тақдири» деган мақолада батафсил ёзган эдим. Шунинг учун бу ерда жуда қисқа гапириб қўя қоламман. «Тирик сатрлар»га Чўлпоннинг 23та шеъри киритилган эди. Адашмасам, 1967 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида Чўлпоннинг 3—4 та шеъри билан «Шўро ҳукумати ва саноеъ нафиса» деган мақола эълон қилинган. Чўлпон қоралангандан кейин 30 йил ўтгач, бу журналда унинг асарлари биринчи марта дунё юзини кўрди. «Тирик сатрлар»да эса унинг шеърлари нисбатан кенг берилган эди — бу китобнинг нашр этилиши моҳият эътибори билан Чўлпонни шоир сифатида ҳам оқланганини билдирарди. Албатта, 23 та шеърнинг ҳаммаси цензуранинг синчков

назаридан ўтган эди. Факат цензура эмас, ўша даврнинг таомилига кўра, Марказий Комитетнинг Мафкура бўлими ҳам китоб билан икки марта синчиклаб танишиб чиккач, уни босишга рухсат берган эди. Китобнинг тиражи босилди, кейин унинг таркалишига кўл кўйилди. Бирок китоб савдо тармоқларига етиб боришга улгурмади — у Шароф Рашидовнинг кахру газабига учради ва ман этилди. Китобнинг таркалган нусхалари битталаб йигиб олинди ва кейинрок бутун тираж махв этилди. Ха, 1967 йилга келиб бизнинг жамиятимиз мафкура соҳасида 1937 йилдан анча илгарилаб кетди, жонажон партиямиз адабиёт соҳасида таъкибу ман этишларга бархам бериб, янгича сиёсат юрита бошлади дейиш учун асос йўклиги очик кўриниб турипти. Хамон хамма нарсани бир киши — энг юкори мансабни эгаллаб турган одам хал килади, колган акли норасолар факат унга бўйсунуши, кўлини кўксига кўйиб, унинг гапини маъқуллаб туриши керак. Ижод эркинлиги хакидаги гаплар эса хамон бир афсона, холос.

«Тирик сатрлар»нинг таиккланиши Чўлпон асарларини кайта босиш ишини номаълум муддатга кечиктириб юборди. Бу ишларнинг яна бир таажжубли томони шунда эдики, Россияда хам, Украина ва Белоруссияда хам, шунингдек, бизга кўшни Озорбайжон, Крзогистон ва Киргизистон каби республикаларда эндиликда окланган «собик миллатчи» ёзувчиларнинг асарларини нашр этиш катъий режалар асосида тезкорлик билан амалга оширилмокла эди. Факат биздагина бу масалада хамон сусткашлик ва катъиятсизлик хукм сураб эди. Бу, эхтимол, ортик даражада содик фукарочилик касалига чалинганимиздан ёхуд «бир балоси бўлмаса, шудгорда куйрук на килур?» деган гапга каттик ишонганимиздандир.

Мен бу даврга келиб, мафкуравий ишимизнинг баъзи бир сиру асрорларига фахмим етиб колганди — мафкурани айлантирадиган машина жуда бесўнакай ва жуда бахайбат бўлса-да, жуда кудратли эди, унинг парраклари орасига тушиб колган одам мажак бўлиши аник эди, шунинг учун унга карши ёлгиз курашиб хеч нарсага эришиб бўлмас эди. «Бехуда уриниш белни синдирар» дейдилар. Мафкура машинаси хеч кимни аяб ўтирмас ва, умуман, рахмшафкатни билмас эди. Шунинг учун Чўлпонни хам «йўклайдиган яхши замонлар» келишига умид боглаб, сабр килишдан ўзга илож йўк эди. Аммо мен бир нарсани сира тушуна олмайман — кўпни кўрган, килни кирк ёрадиган, хакикатга хизмат килиши лозим бўлган баъзи бир адабиётшунос олимларимизга нима бўлган? Нега улар хам Чўлпоннинг ярми гражданин, ярми шоир экани хакидаги танкиддан тубан турадиган бемаъни гапга чиппачин ишониб колдилар? Биламан, олимлар хам одам, уларга хам жон ширин, улар хам тириклик килмоклари керак. Тириклик йўлида эса муросаи мадора деган гап бор. Хукмрон мафкура «Чўлпон миллатчи, душман» деб турса, бунга ошкора карши чикишга хаммининг хам журъати етавермайди. Аммо нима учун олим одам «Рим папасидан хам ортирок художўй бўлишга» уриниши керак? Нима учун хакикатга хиёнат килиб, виждонини ютиб, Чўлпоннинг «душманлигини» ёлгоняшик далиллар билан «исботламоги» керак? Мен бу ўринда баъзи бир нопок одамларнинг ўз манфаатлари йўлида илмга хам, одамгарчиликка хам тупуриб, хеч кандай тухмат ва бўхтонлардан кайтмай ёзиб ташлаган маколалари ёки химоя килган диссертацияларини назарда тутаетганим йўк. Бунака мунаккидлар ёхуд «олимлар» ногорачининг бачасига ўхшайди — хали ногоранинг тактуми эшитилмасдан, ногорачи чўпини кўлига олиши биланок муком килиб йўргалай бошлайди. Мен жиддий олимлардан — уларнинг нохолисликларидан, эринчокликларидан, ўзлари ўрганаётган, балки бир вақтлар хамнафас, хамкадам бўлган, эхтимол бирга улфатчилик килишган ёки бахсмунозара килиб талашибтортишган шоирнинг такдирига локайд каровчи олимлардан нолиб гапиряпман. 1965 йилда

Махмудали Юнусовнинг «Традиция ва новаторлик проблемалари» деб аталган китоби чикди. Китобда 20 йиллар ўзбек поэзияси материаллари асосида традиция ва новаторлик проблемалари хакида мушохада юритилади. Муаллиф ўша йилларнинг даврий матбуотида эълон қилинган мақолаларни, айрим китобларни кунт билан синчиклаб ўрганган. Албатта, тадқиқотда анча-мунча ўринли мулохазалар, кузатишлар бор. Бирок, айтиш мумкин, китобнинг энг заиф жойи шундаки, у бой фактик материаллар таҳлилидан илмий хулосалар чиқариш йўлидан бормайди, балки ҳамма материалларни аввалдан белгилаб кўйилган хулосаларга мослаштириш йўлидан боради. Бу эса ўз навбатида ҳукмрон мафқуранинг 20 йиллар воқеалиги хақидаги маълум концепциясини тасдиқлашга хизмат қилади. Тадқиқотнинг бир боби «Поэзияда буржуа миллатчилик йўналиши ва унинг инкирози» деб аталадики, шунинг ўзи муаллифнинг масалага тайёр қолиплар асосида ёндашганини кўрсатади. Тадқиқотчи ўша давр воқеалигининг мураккаблиги ёхуд ижодкор йўлининг хақидаги зиддиятли бўлиши Хақида ўйлаб ҳам ўтирмайди — унинг учун Чўлпон, Фитрат, Элбек ва Ботуларнинг миллатчилиги сира ҳам шубҳа тугдирмайдиган факт. Шунинг учун у Чўлпоннинг «гоявий эволюцияси» хақида ўйлаб ўтиришга ўрин қолдирмайдиган катъият билан шундай деб ёзади:

«Ўтмишни қайтадан тиклашга қанчалик уринмасин, барибир, «қуёшнинг нурига тоқат қилмай ерга ботган» бу шоир асарларини кўздан кечирганда, ундаги ўзига хос «эволюцияси», тўғрироғи, буржуа миллатчилик қарашларидаги ўзгариш босқичларини пайқаб олиш қийин эмас. Бу босқичлар дастлаб афессив ниятнинг қучлилиги, аксилинкилобий ҳаракатга ташвиқ қилишдир, кейин ўз уринишлари беҳуда эканини сезиб, ноиложликдан қайгуга чўмгани ва «кўзида сўнги ёши қолиб, амалга етмак истагани» да, охирида эса унинг қўнғлида «на исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт» қолиб, факат кўзида «огир бир таслим нури бор» лигида равшан кўринади».

1967 йилда А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига ўқувчиларнинг «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни босмадан чиқарди. Табиийки, бу китобда ҳам, ундан кейин 1970 йилда Москвада рус тилида нашр этилган «История узбекской советской литературы» китобида ҳам 20 йиллардаги адабий жараён ҳукмрон мафқура қолипига солиниб тақдим этилган, яъни Октябрь инқилоби инсоният тарихида янги давр очди, буржуа миллатчилари инқилобни қабул қилмади, улар билан ёш шўровий қучлар ўртасида қураш қетди ва бу қурашда шўро мафқураси галаба қозонди. 20 йиллар воқеалигидан олинган ҳар қандай ҳодиса ёхуд ҳар қандай факт ана шу қолип асосида талқин қилинади. Агар ҳодиса ёхуд факт ҳадеганда бу қолипга тушавермаса, унинг қулогидан чўзиб, тортиб унга солинади.

Даъвомиз қуруқ бўлмасин учун мисол келтирамиз. Китобнинг биринчи жилдида Чўлпоннинг миллатчилиги, совет тузумини қўролмагани хақида кўп марталаб гапирилади-да, кейин бу фикрни далиллашга ҳаракат қилинади. Шу мақсадда шоирнинг «Бахорни соғиндим» деган шеърининг парча берилди:

Тал-туз

Экин-текин

Сўла бошлади.

Саргайиб япроқ.

Бўяниб тупроқ

Ўла бошлади, ўла бошлади.

Бу парча қуйидагича шарҳланади: «У далани туз, аччик, захар деб ҳаётда факат йўқолишни кўради».

Буни ўкиб кулишингни ҳам, йиглашингни ҳам билмайсан киши. Муаллифнинг «фош килиш жазаваси» шу кадар жўш уриб кетганки, шеърдаги «туз» овкатга ишлатиладиган «намак» эмас, «яланглик, кенглик» деган маънода эканини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Боринги, «туз» улар айтгандек, «намак» ҳам бўлаколсин. Нега энди овкатга таъм киритадиган намак «аччик» ёхуд «захар»ни англатиши керак? Иккинчидан, муаллифлар шу шеърнинг давомини ўкишдан эринмасалар амин бўлардиларки, шоир «хаётда факат йўқолишни кўраётгани» йўқ. Мана, ўша шеърнинг давоми:

Йўқ... ўлим йўқдир!

Ёлғиз бир ўчиб, бир сўниш бордир.

Бир ўчиб... сўниб, яна ёниш бор

Яна бахорлар,

Яна лолалар.

Яна сиз, ой... эркин тилаклар!

Кўринадики, муаллифлар ё шеърни, умуман, тушунмаган ёхуд ундан ўзларининг максадларига мос келадиган бир бўлакни ажратиб олишгану, «шеърнинг колганини бошқалар ҳеч қачон ўқимади» деган ишонч билан юқоридаги игвони тўқиганлар».

Шунга ўхшаш мисолларга дуч келганда хаёлимга бир фикр келади — одатда, коммунистлик мафкура даргалари ўта шафқатсиз ва каттиққўл бўлган деб нолишади.

Чиндан ҳам шундай. Улар йўлларида кўндаланг бўлган ҳар қандай тўсикни аёвсиз супуриб ташлаганлар. Улар на халқни, на ижодкорларни менсимай улар билан мутлақо ҳисоблашмай ҳукмронлик қилганлар. Бирок улар нима сабабдан шу даражада сурбет ва беандиша бўлишган? Уларнинг бундай бўлишига, қисман бўлса-да, олимларимизнинг мутелиги, мустаҳкам эътиқодларининг йўқлиги, мабодо бор бўлса, уларни каттиқ туриб ҳимоя қилишга журъатлари етишмаслиги, талаб қилинганда ҳар қандай одамни ҳам оёққўлини боғлаб, ўша даргалар оёғи остига ташлаб беришга тайёр турганлари сабаб бўлмаганми?

Яшиннинг гаплари мени таажжубга солди. Чунки Комил Яшин билан бу масалада илгарилар ҳам бир-икки суҳбатлашган эдим. Яшин, айниқса Чўлпон ижодини жуда чуқур билар эди. У Чўлпон шеърларининг кўпини ёд билар ва фикрини далиллаш учун уларни бемалол келтираверарди. Гарчи у оғзидан "Чўлпон шеърларининг муҳлисима" деган гапни айтмаган бўлса-да, бу шеърларга хайрихоҳдиги шундоқкина сезилиб турарди. 60-йилларнинг бошидаги суҳбатда Чўлпон шеърларини босиш масаласига ўта эҳтиёткорлик билан қараганини тушуниш мумкин. Ҳар қалай, унда замон бошқа эди. Аммо энди-чи? 1987 йилда-чи? Нахотки, ҳамон ҳадик-лар, кўркувлар замони бўлса? Нима бўлганда ҳам ўша қуни Комил Яшин Чўлпон ва Фитратларни қайтаришга қарши овоз берди. Аввалги замонлар бўлганида, албатта, бу қараш устун келган бўларди. Лекин 1987 йилда ҳатто Марказком қотиби ҳам кўпчиликнинг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлиб қолган эди. Шундай қилиб, ўша кенгашда Чўлпон ва Фитрат асарларини нашр этиш ва ижодларини янгича баҳолаш тўғрисида бир қарорга келинди. Лекин шундан кейин ҳам яна анча вақтгача бу борада сира ўзгариш бўлгани йўқ. Тўғри, газета ва журналларда Чўлпоннинг асарларидан намуналар ва унинг тўғрисида баъзи бир маълумотлар кўрина бошлади, лекин бу иш хануз тасодифийроқ характерда эди. Унинг йирикроқ асарини эълон қилиш эса ҳамон қандайдир ички қаршилиқларга учрар эди. Жумладан, Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романининг эълон қилиниши шундай бўлди — роман "Шарк юлдузи" журналича териби қўйилган ҳолда бир неча марта тўхтатиб қўйилди

ва нихоят, юкориларга маъкул келадиган сўзбоши билангина босишга рухсат берилди. Бу сўзбошида албатта, "Чўлпон миллатчи бўлган, гоёвий хатолари кўп, кейин совет воқелиги таъсирида ўзгарган" деган фикр олдинга сурилиши керак эди. Сўзбошини ёзиш менга топширилди. Бир вақтлар мен юкоридаги фикрлар тарафдори эдим, лекин энди — 1988 йилга келганда бу фикрларим ўзгарган эди. Шундай бўлса-да, романнинг эълон килинишини истаганимдан ўша фикрни марказга қўйиб, сўзбоши ёздим. Шу тарзда 1988 йилда роман эълон килинди. 1991 йилда эса "Яна олдим созимни" эълон килинди. Аммо Чўлпонни англаш йўлидаги дадил кадамлар моҳият эътибори билан 1991 йилдан кейин — республикаимиз мустақил тараққиёт йўлига киргандан кейин қўйилди. Республикаимизнинг биринчи Президентга И.А.Каримов катор нутқларида ўзбек халқининг қўнғлидаги гўйгуларни ифодалаб, Чўлпонга жуда кат-та баҳо берди ва унинг шеърларидан парчалар келтириб, бу шоирнинг бугунги кун билан ҳамнафаслигини таъкидлади.

Республикаимизда янги таъсис этилган Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотининг Абдулла Кодирий, Абдурауф Фитрат билан бирга Чўлпонга ҳам берилиши жуда теран рамзий маънога эга.

Хар йили республикаимизда шоирнинг тугилган юрти Андижонда Чўлпон кунларининг ўтказилиши ҳам халқимизнинг бу улуг ижодкорга ихлосидан нишона. "Ҳазина" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси Чўлпоннинг уч жилдлик "Асарлар"ини ва "Чўлпон дунёси" деган тадқиқотлар китобини нашр қилишга тайёрлади. Чўлпон номидаги нашриётда эса шоирнинг "Адабиёт надур?" деган китоби босмадан чиқди. Буларнинг бари Чўлпоннинг сафимизга қайтаётгани чин эканидан далолат беради. Булар яхши, албатта, лекин бу ишлар хар канча яхши бўлмасин, хали улар Чўлпонни англаб етганимизни билдирмайди. Чунки Чўлпонни англаш, уни мактаб кўқларга кўтариш эмас, уни идеаллаштириш эмас, унинг номига кўчалару санъат қононалари қўйиш эмас, Чўлпонни англаш сўз санъатининг ботиний қонуниятларини теран англаш, уларнинг шоир ижодида қандай зохир топишини англашдир. Чўлпонни англаш унинг буюк умумбашарий гоёларини, унинг юксак инсоний туйғуларини юракка сингдириб олишдир. Чўлпонни англаш — Ватанни, қўхна Туркистонимизни Чўлпон кўзи билан кўриб, Чўлпон юраги билан сева билмокдир. Бир сўз билан айтганда, Чўлпон хар бир адабиёт муҳлисининг юрак мулкига айланмоғи шарт. Бунинг учун эса Чўлпон меросини янги тафаккур асосида бағрикенглик билан тадқиқ этмок лозим. Шуни қувонч билан таъкидлашни истаймани, бугун бизнинг ораимизда ана шу тадқиқотни амалга оширишга қодир, шу ишга маънавий ҳаққи бор, зукко олимларимиз бор. Бу борада Наим Каримов, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Сироҳиддин Аҳмедов, Шерали Турдиев каби тажрибали олимларимиз анча иш қилиб қўйишди. Аммо мени келажакка умид билан қарашга ундайдиган нарсани шундаки, бугунги чўлпоншунослар қаторида Замира Эшонова, Дилмурод Қурононов, Улугбек Султонов, Нормамат Йўлдошев сингари қобилиятли ёшлар бор. Уларнинг тафакқури бизнинг мияларимизни захарлаган мафқуравий оғулардан холи, уларнинг адабиётга ёндашиши, адабиётни тушуниши бизнинг авлодга хос бўлган қолиплардан ташқарида. Энг муҳими эса, уларнинг қўнғлида кўркув туйғуси йўқ. Улар ўз асарлари билан қимларгадир ҳушомад қилиш, қимларнингдир қўнғлини олишни ўйламайди. Эҳтимол, шунинг учунмикин, мен уларнинг адабиётшуносликни ўзининг асл изига солиб юборишларига ишонаман. Ва яна ишонаманки, улар Чўлпонни англашда қинакам жонбозлик кўрсатадилар ва ҳаммамизни Чўлпон юксакликларига элтувчи қўприқларни бунёд этадилар.

1994

Озод Шарафиддионов